ҒАЛАБА БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 106 (19.777). • 1987 йил 9 май, шанба • Баҳоси 3 тийин.

Бугун—Совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабаси байрами

ҒАЛАБАМИЗНИНГ УЛУҒВОРЛИГИ

ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК Н. И. ПОПОВ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ҚУШИНЛАРИ ҚУМОНДОНИ

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари бу йилги Ғалаба кунини партиямиз XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми қарорлари туфайли, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига тайёргарлик давомида юзага келган юксак сиёсий кўтаринкилик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир шароитда нишонламоқдалар.

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг, ижтимоий ҳаётимизнинг барча жиҳатларини қайта қуришнинг улуғвор вазифаларини амалга ошираётган совет кишилари бундан буён ҳам ўзлари меҳнат жабҳасида ва жангоҳларда қўлга киритган зафарларни муқаддас билиб, авайлаб-асрашга азму-қарор қилганлар. Улар тинчлик, демократия ва социализм душманларининг кирдикорларини ҳушёрлик билан кузатиб турибдилар.

Афсуски, империалистлар уруш сабоқларидан хулоса чиқариб олмадилар. Улар қуролланиш пойгасини тобора авжга чиқармоқдалар, халқаро вазиятни кескинлаштирмоқдалар, Советларга қарши пропагандани кучайтирмоқдалар. Бошқа давлатларнинг ички ишларига очиқдан-очиқ аралашмоқдалар.

Шу боисдан ҳам бизнинг тинчликка интилишимиз Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини кучайтириш, Совет Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини янада мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир. «Ҳарбий хавф-хатарнинг миқёслари ҳақида ўзимизга ҳисоб бериб, тинчлик тақдири учун ўз масъулиятимизни ҳис этиб, биз СССР билан АҚШ, Варшава Шартномаси ташкилоти билан НАТО ўртасидаги ҳарбий-стратегик тенгликнинг бузилишига йўл қўймаймиз, — деди М. С. Горбачев Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда. — Биз бундан буён ҳам ана шу сиёсатни ўтказаверамиз, чунки ўтмиш берган сабоқлардан биз ҳамма даврга татигулик хулоса чиқариб олганмиз».

Фашистлар Германияси бошлаган Улуғ Ватан уруши социализмнинг империализм зарбдор кучлари билан жуда катта ҳарбий тўқнашуви бўлди. Совет халқи учун уруш оғир имтиҳон бўлди. Ҳар бир уйга, ҳар бир оилага урушнинг шум қадами етди, бу уруш ғамғусса ва кулфат келтирди, шаҳар ва қишлоқларимиз вайрон бўлди. Ҳанузгача ҳам халқ кўксидаги жароҳатлар батамом битиб кетгани йўқ.

Шу кунларда биз Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун бўлган жангларда мардона курашиб, ҳалок бўлган кишиларнинг ёркин хотираси олдида бош эгмоқдамиз, Ватанимиз ўғил ва қизларининг мардлиги, матонати ва қаҳрамонлигини, қўлига қурол олиб социализм ғалабаларини ҳимоя қилган, ғалаба баҳорини яқинлаштирган кишиларни шарафламоқдамиз.

Бугун биз синалган йўлбошчимиз — Коммунистик партияни чуқур меҳр-муҳаббат ва мамнуният билан шарафламоқдамиз. Партиямиз мамлакатни ягона жанговар лагерга айлантириб, фашист босқинчиларига қарши халқимизнинг, Қуролли Кучларимизнинг муқаддас курашига бош бўлди. Унинг даъватига кўра, бутун мамлакат фашизм билан ҳаётмамот курашига отланди.

Урушнинг бошланиши айниқса оғир бўлди. Мамлакатимизга ваҳший ва маккор душман ҳамла қилди. У ўзининг ҳарбий аслаҳасини синовдан ўтказиб, Европадаги барча босиб олинган мамлакатлар экономикасини ўзи учун ишлашга мажбур қилди. Душманнинг умумий ҳарбий-иқтисодий потенциали Совет Иттифоқи ихтиёридаги ана шундай потенциалдан икки баравар кўп эди. Душман тўсатдан ҳужум қилганлиги сабабли бирмунча афзалликка эга бўлди. Биз йўл қўйган айрим нуқсонлар ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Совет Иттифоқига қарши агрессия олдиндан махфий равишда тайёрланди. Чегараларимизга салкам 5,5 миллион солдат ва офицердан иборат 190 та дивизия, 4 мингдан кўпроқ танк, 47 мингдан кўпроқ тўп ва миномёт, қариб 5 мингта жанговар самолёт тўплаб қўйилганди.

Фашистлар Германияси Баренц денгизидан тортиб, Қора денгизгача бўлган кенг майдондан ўтиб, хиёнаткорона, уруш эълон қилмасдан туриб, мисли кўрилмаган куч билан ҳамла қилди, бу кучга жаҳондаги бирон бир армия, бирон бир капиталистик давлат дош бера олмас эди.

Уруш давомида мамлакатимизда бир неча бор қалтис вазиятлар вужудга келди. Аммо урушнинг биринчи кунларидан бошлабоқ совет кишиларининг қудратли маънавий руҳи намоён бўлди, ҳар бир совет кишиси Улуғ Октябрь зафарларининг тақдири, бутун мамлакат тақдири ўзига боғлиқ эканлигини теран тушуниб етди. Урушнинг энг оғир дамларида ҳам халқимиз Ғалабага, партияга, социализм ғояларининг тантанасига ишонч руҳи билан яшади. Совет аскарининг матонатига, улуғ халқимизнинг жасоратига бутун дунё қойил қолди.

Фронтдаги ва фронт ортидаги миқёси ниҳоятда катта бўлган ишларга партия, унинг Марказий Комитети, ВКП (б) Марказий Комитетининг Бош секретари И. В. Сталин бошчилигидаги Давлат Мудофаа Комитети раҳбарлик қилди. Мамлакат учун ниҳоятда оғир бўлган кезларда дадиллик ва ғайрат-шижоат билан, вазият талабига яраша иш тутиб, ВКП (б) Марказий Комитети ва Совет ҳукумати 1941 йилнинг 29 июндаги Директивада баён этилган душман билан курашнинг жанговар программасини қабул қилдилар. Бу программада урушнинг сиёсий мақсадлари ва бу мақсадларга эришиш йўллари аниқ ва ленинча башорат билан белгиланган эди.

Уруш Қуролли Кучларга партиявий таъсирни кучайтиришни талаб этди. Ҳаракатдаги армия ва фронтга ниҳоятда тажрибали партия кадрлари, шу жумладан ВКП (б) Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг қарийб ярми, Марказий Комитет аппаратидаги 270 нафар масъул ходим, область, шаҳар, район партия комитетларининг 47 минг секретари жўнаб кетди, 134 минг коммунист ва комсомол аъзоси сиёсий жангчи сифатида фронтга отланди.

Ленин комсомоли ҳам партиянинг содиқ ёрдамчиси бўлди. Комсомол аъзолари фронтда ва партизан отрядларида душманга қарши мардона жанг қилдилар, фронт орқасида ғайрат-шижоат билан ишладилар.

(Давоми иккинчи бетда).

В. Молгачев фотоплакати.

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК ШАРОИТИДА ЯШАЙЛИК

Гитлерчилар фашизми тор-мор этилганлиги санаси муносабати билан Жаҳон Тинчлик Кенгашининг даъватига биноан 8 майдан 15 майгача Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик учун урушга қарши ҳаракатлар ҳафталиги ўтказилмоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари мана шу халқаро тадбирда фаол қатнашмоқдалар. Бу йил урушга қарши ҳаракатлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ҳамда сулҳ тўғрисидаги Ленин Декретининг 70 йиллиги белгиси остида ўтади.

8 май куни республика шаҳарлари ва қишлоқларида кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди. Митингларнинг қатнашчилари совет халқининг тинчликка бўлган азму-қарори тўғрисида гапирдилар, империалистик давлатлар ядровий қуролланиш пойгасини, «самовий урушлар»га тайёргарликни кучайтираётганликларига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирдилар.

Тошкент области бўйлаб «Тинчлик рейси» йўлга чиқди. Унда уруш ва меҳнат ветеранлари, тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон комитетининг ва Совет Тинчлик фонди республика бўлимининг активлари иштирок этмоқдалар. Рейс давомида урушга қарши бир қанча тадбирлар ўтказилади, кўчма бадиий виставка намойиш қилинади.

Ўзбекистонда бир ҳафта мобайнида намойишлар, тинчлик вахталари ва хотира вахталари ўтади. Уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказилади, кўргазмалар, кинолекторийлар очилади. «Халқларнинг тинчликка даъвати» остига имзо тўплаш ташкил қилинади.

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Ўзбекистон жамоатчилиги немис халқи гитлерчилар фашизмидан озод қилинганлигининг 42 йиллигини кенг нишонлади. Чет мамлакатлар билан Дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг, ГДР билан Дўстлик совет жамияти республика бўлимининг активлари шу санага бағишланган кўргазмалар, витриналарни ташкил қилдилар. Шаҳар ва қишлоқларда меҳнаткашларнинг йиғилишлари бўлиб ўтди.

8 май куни Тошкентда Германия Демократик Республикасининг миллий байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Сўзга чиққан кишилар Европа халқларини фашизм вабосидан халос этишда Совет Армиясининг тарихий роли тўғрисида, немислар диёрида биринчи ишчи-деҳқон давлатининг барпо этилганлиги ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари СССР билан ГДР ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик йил сайин мустаҳкамланиб бораётганлигини қайд этиб ўтдилар. Улар қардош халққа социалистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар, Советлар мамлакатининг тинчликсевар йўлини астойдил қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар.

(ЎзТАГ).

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНАДИ

Цехлар, илмий лабораторияларда, транспортда, квартираларда, хуллас, жуда кўп соҳаларда радио ва телевидение, алоқа воситалари ғоят кенг қўлланилмоқда. Улар жамият ҳаётида, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида доимий ёрдамчилардир.

Алоқа ҳамма соҳалари ходимларининг профессионал байрами — радио кунига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчилари КПСС XXVII съезди қарорлари асосида мамлакат ягона алоқа системаси ишининг ривожланиши ва такомиллаштирилиши тўғрисида, ишдаги камчиликларни бартараф этиш ҳақида гапирдилар. Йиғилиш 7 май куни Москвада, Союзлар уйининг колонна залида бўлиб ўтди.

Президиумда — В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, А. Н. Яковлев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ю. Д. Маслюков, КПСС Марказий Комитети бўлимининг мудири В. С. Пастернак, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

СССР электрон саноати министри В. Г. Колесников доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари алоқа тармоқларининг меҳнаткашлари иш самарадорлигини янада оширишга қатъият билан эришадилар, халқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бирини жадал суръатлар билан ривожлантириб борадилар, деб ваъда бердилар.

(ТАСС мухбири).

ШАҲАРГА ФАХРИЙ ЁРЛИҚ

Хўжалик ва маданий қурилишда муваффақиятларга эришганлиги, намунали ободонлаштирилганлиги учун Андижон областининг Советобод шаҳри Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. 7 май куни шаҳар меҳнат коллективлари, жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишонов тантанали вазиятда юксак мукофотни топширди.

Йиғилишда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов нутқ сўзлади.

Ҳалок бўлган андижонлик жангчилар шарафига шу куни «Боғи баланд» дам олиш зонасида ёдгорлик лавҳаси очилди.

(ЎзТАГ).

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1987 йил 9 май — № 145 — Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Прапоршчик ва мичман ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Улуғ Ватан уруши ва СССР Қуролли Кучларининг ветеранлари, ўртоқлар!

Бугун мамлакатимиз, қардош социалистик давлатлар, бутун тараққийпарвар инсоният 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи фашистлар Германияси устидан қозонган Ғалабанинг 42 йиллигини байрам қилмоқдалар. Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари тарихда энг кўп вайроналар келтирган урушда Коммунистик партия раҳбарлигида социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолдилар, буюк халоскорлик вазифасини бажардилар.

Фашизмнинг тор-мор этилиши жаҳон тараққиётининг бутун боришига ғоят чуқур таъсир ўтказди.

Улуғ Ватан урушидаги ғалаба совет халқининг енгилмас кучини, социализмнинг ҳамда марксча-ленинча идеологиянинг афзалликларини, социалистик жамиятнинг мислсиз маънавий-сиёсий жипслигини, СССРдаги миллатлар ва элатларнинг бузилмас дўстлигини, совет ҳарбий фани ва ҳарбий санъатининг, ҳарбий кадрларимиз жанговар маҳоратининг юксак даражада эканлигини тўла-тўкис намойиш этди. Армия ва флот жангчилари, халқ лашкарларидаги жангчилар, партизанлар ва подпольечилар фашизм билан шафқатсиз олишувда оммавий қаҳрамонлик, Ватанга астойдил садоқат намуналарини кўрсатдилар.

Ленинчи Коммунистик партия Улуғ Ғалабанинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди. Партия сиёсий, давлат ва ҳарбий раҳбарлигининг, армия билан халқнинг мустаҳкам бирлигини таъминлади.

Ватан мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашларнинг жасоратидан ҳамиша фахрланади. Улар ўзларининг фидокорона меҳнати билан металл ва ғалла, ёқилғи ва хом ашё учун, қудратли совет қуролини яратиш учун мислсиз жангда ғолиб чиқдилар. Ватан ғоят машаққатли урушдан сўнг шаҳарлар ва қишлоқларни вайроналардан қайта тиклаган, мамлакатни қайта тиклаган, уни яна ҳам қудратли қилган кишиларнинг меҳнат шавкатини ва жасоратини унутмайди.

Бошқа мамлакатларнинг армиялари ва ватанпарварлари, қаршилик кўрсатиш ҳаракати ва фашизмга қарши курашган подпольe қатнашчилари фашист босқинчилар билан мардона курашдилар.

Улуғ Ватан урушининг сабоқлари мислсиз аҳамиятга эга. Бу сабоқларнинг энг асосийси шундан иборатки, урушга қарши у ҳали бошланмасидан туриб курашиш керак. Бизнинг мамлакатимиз қардош социалистик мамлакатлар билан қалин ҳамкорликда халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик учун курашиб келмоқда, ядровий қуролсизланишга, халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган янги амалий таклифларни олға сурмоқда. Аммо урушқоқ империалист доиралар, аввало АҚШ ўтмиш сабоқларини назар-писанд қилмай, қуроллариш пойгасини авж олдирмоқдалар, СССР ва унинг иттифоқчиларидан ҳарбий устунликка эришишга, бизнинг тинч халқ хўжалик программаларимиз рўёбга чиқарилишига ҳалақит қилишга уринмоқдилар. Шундай шароитда Коммунистик партия ва Совет давлати мамлакатнинг мудофаа қобилиятини тегишли даражада сақлаш, қуролли кучларнинг жанговар шайлигини ошириш учун зарур чораларни кўрмоқдалар.

Қайта қуришни, жамиятдаги революцион ўзгартиш-ларни муваффақиятли амалга ошириш, мамлакатнинг иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш учун совет кишиларига мустаҳкам тинчлик, қулай халқаро вазият бўлиши керак.

Қаҳрамонона анъаналарга содиқ бўлган совет жангчилари КПСС XXVII съездининг, Марказий Комитет 1987 йил январь Пленумининг тарихий қарорларини рўёбга чиқара бориб, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини жанговар ва сиёсий тайёргарликда, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олиш учун курашмоқдалар. Улар Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар армияларининг жангчилари билан ягона сафда совет халқининг, социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатлар халқларининг тинч меҳнати посбонлигида ҳушёр бўлиб турибдилар, ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини муносиб адо этишга ҳамиша тайёрдирлар.

Армия ва Флотнинг шахсий составини, Улуғ Ватан урушн ҳамда СССР Қуролли Кучларининг ветеранларини Улуғ Ғалаба байрами билан табриклайман ва қутлайман.

1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 42 йиллигини нишонлаш юзасидан буюраман:

Бугун, 1987 йил 9 Май маҳаллий вақт билан соат 22 да Ватанимиз пойтахти Қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, Қаҳрамон шаҳарлар— Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск, Мурманскда, қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида тўпларидан бир йўла ўттиз марта ўқ узиб байрам артиллерия салюти берилсин.

Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

СССР мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали
С. СОКОЛОВ.

ЖАСОРАТНОМА

УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ КИШИЛАРИ, СОЛДАТЛАР ВА МЕҲНАТКАШЛАР КЎРСАТГАН ЖАСОРАТ АБАДИЙДИР. БИЗ СОЦИАЛИСТИК ВАТАН ШОН-ШАРАФИ ВА ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ҲАЛОК БЎЛГАН, ЖАҲОННИ ФАШИЗМ ВАБОСИДАН ҚУТҚАРИШ УЧУН ЎЗ ЖОНИНИ ҚУРБОН ҚИЛГАН КИШИЛАР ХОТИРАСИ ОЛДИДА ТАЪЗИМ ҚИЛАМИЗ.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасидан).

ҒАЛАБАМИЗНИНГ УЛУҒВОРЛИГИ

(Бошы биринчи бетда).

Партия ҳарбий ҳаракатларни уюштириш, Қуролли Кучларни мустаҳкамлашга биринчи даражали аҳамият берди. Армия ва Флотни такомиллаштириш, резерв тайёрлаш бўйича ғайрат-шижоат билан тадбирлар кўрилди. 1941 йилнинг 1 июлигача Қизил Армия сафига 5 миллион нафардан кўпроқ киши чақирилди. Бизнинг округимиз ҳам фронт учун кадрлар тайёрлаш ўчоғига айланди. Уруш йиллари округда неча ўнлаб йирик қисмлар, юзлаб марш роталари тузилиб фронтга жўнатилди.

Партиямиз душман ортидаги умумхалқ курашига раҳбарликка кўп эътибор берди. Улуғ Ватан уруши йилларидагидек уюшган ва оммавий партизан ҳаракати ҳали тарихда бўлмаган эди.

Давлат хавфсизлиги, ҳуқуқ-тартибот органлари, ҳарбий разведка ўз вазифаларини садоқат билан бажардилар.

Совет жангчилари ҳар бир қарич она—Ер учун мисли кўрилмаган фидокорлик билан курашдилар, буюк жасорат ва оммавий қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Брест қалъасининг гарнизони ўлмас жанговар жасорат кўрсатиб, душманнинг бир неча баравар кўп кучлари қамалида туриб, бир неча ҳафта мобайнида зўр бериб курашди. Смоленскда икки ой давом этган ҳаётмамот жангида шонли Совет гвардияси вужудга келди. Москва, Ленинград, Сталинград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керч, Тула, Мурманск ва бошқа қаҳрамон-шаҳарларнинг ҳимоячилари абадий сўнмас шон-шуҳрат қозондилар.

Москва бўсағасидаги жанг Улуғ Ватан уруши биринчи даврининг ҳал қилувчи воқеаси, бу урушда туб бурилишнинг бошланиши ва иккинчи жаҳон урушида гитлерчи босқинчиларнинг биринчи йирик мағлубияти бўлди. Бу жанг гитлерчилар армиясининг енгилмаслиги тўғрисидаги афсонанинг кулини кўкка совурди, Совет кишиларини янги қаҳрамонликларга чорлади, уларнинг душман, албатта, маҳв этилишига бўлган ишончини мустаҳкамлади. Мисли кўрилмаган Сталинград жангида Совет Армияси душманга шундай зарба бердики, бу зарба фашистлар Германиясининг бутун ҳарбий машинасини қақшатиб юборди.

Ўз натижалари ва оқибатлари жиҳатидан мислсиз бўлган бу жангда сараланган гитлерчи кўшинлар яксон этилиши билан бир қаторда фашизмнинг маънавий руҳи ҳам поймол этилди. Стратегик ташаббус узил-кесил Совет Олий Қўмондонлиги қўлига ўтди. Гитлерчилар армияси қақшатғич тор-мор этилиши билан фашистлар Германияси ҳалокат ёқасига яқинлаштириб қўйилди.

Волга бўйидаги ғалаба жуда катта ҳарбий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бу ғалаба душманни батамом тор-мор этишнинг, уни совет еридан ҳайдаб чиқаришнинг бошланишига асос бўлди.

1943 йилнинг ёзида фашист раҳбарлари бой берилган стратегик ташаббусни қайтариш ва урушнинг боришини ўз фойдасига ўзгартириш учун Курск остонасида жуда катта ҳужумга ўтиб, охирги марта уриниб кўрдилар. Лекин бу уриниш ҳам шарманда-ю шармисорлик билан тугади. Оловли Халқадаги бу буюк жанг бутун жаҳонга социализм мамлакати ўз кучлари билан фашистлар Германияси ва унинг малайларини тор-мор қилишга қодир эканлигини кўрсатди. Гитлерчиларнинг қўмондонлиги ҳужум стратегиясидан батамом воз кечишга ва бутун Совет—Герман фронтида мудофаага ўтишга мажбур бўлди.

Бутун фронт бўйлаб Совет Армияси устма-уст қудратли зарбалар бера бошлади, бу зарбалар натижасида Совет ерини босқинчилардан халос этиш ниҳоясига етди.

1944 йилда армиямиз Европадаги кўп халқларни Гитлер зулмидан озод этишдек ўзининг буюк халаскорлик юришини бошлади. Берлин учун бўлган жанг Европадаги иккинчи жаҳон урушининг якунловчи жанги бўлди. Германия пойтахтининг таслим бўлиши гитлерчилар рейхининг таназзули деган гап эди. Шундан бир неча ой ўтганидан кейин Совет Қуролли Кучлари Узоқ Шарқда империалистик Япониянинг асосий кучлари — қарийб бир миллионлик Квантун армиясини тор-мор қилдилар.

Улуғ Ватан уруши Совет халқи ва унинг Қуролли Кучларининг тўла ғалабаси билан якунланди.

Бу ғалаба партиямиз ва давлатимиз доҳийси В. И. Ленин башорат қилиб айтган қуйидаги сўзларнинг адолатли эканлигини яна бир карра ишончли тарзда тасдиқлади: «Ишчи ва деҳқонларнинг кўпчилиги ўз ҳокимиятини, яъни Совет ҳокимиятини — меҳнаткашлар ҳокимиятини ҳимоя қилаётганлигини билган, ҳис этган ва кўрган, ўзи ҳимоя қилаётган ишнинг ғалабаси унга ва унинг болаларига маданиятнинг барча неъматларидан, инсон меҳнатининг барча самараларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашини билган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди».

Сон-саноқсиз қурбонлар, талафотлар кўриб, мислсиз куч-ғайрат сарфлаш эвазига совет халқи Улуғ Ватан урушида эришган ғалаба шундай воқеалар жумласига кирадики, бу ғалаба ҳақидаги хотира замину-замонлар оша ҳам унутилмайди, бу ғалаба Совет давлатининг ҳаётбахш кучини ва енгилмаслигини бутун оламга рўй-рост кўрсатди.

Юксак ватанпарварлик, ўз кучларига, ўз ҳаққоний ишининг тантанасига, синовлардан ўтган ленинча партиянинг донолигига чуқур ишонч, бутун куч-қудратини ишга солиб, душманни даф этиш, уни улоқтириб юориш ва қириб ташлаш — совет кишиларига хос бўлган ана шу фазилатларнинг барчаси уруш йилларида тўла-тўкис намоён бўлди. Ҳар бир жанг, ҳар бир олишув жасорат эди. Кўп ўтмай, гитлерчилар қўшини Совет Армияси зарбаларининг тобора ортиб бораётган қудратини сезди. «Катта стратегия нуқтаи назаридан шу нарса очиқ-ойдин кўриниб турибдики, деб тан олган эди ўша кезлар АҚШ Президенти Ф. Рузвельт, — руслар бирлашган миллатларга кирадиган барча қолган 25 давлатга нисбатан душман солдатларини кўпроқ қириб, унинг қуроляроғи ва аслаҳаларини кўпроқ янчмоқдалар».

Фашист қўшинларининг Москва ва Сталинград остоналарида тор-мор келтирилиши, ўз миқёси жиҳатидан мислсиз бўлган Курск жанги, Шимолий Кавказда, Ленинград остонасида, Украина, Белоруссия ва Болтиқ бўйида душманга урилган қаҳшатғич зарбалар, Европадаги кўпгина халқларни гитлерчилар оккупациясидан озод қилиш учун ўтказилган мукаммал операциялар ва ниҳоят таслим бўлган Рейхстаг пештоқига ғалаба байроғининг илиниши Совет Қуролли Кучлари Улуғ Ватан урушидаги жанговар йўлининг асосий босқичларидир.

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари Коммунистик партия раҳбарлигида жаҳоншумул тарихий ғалаба қозониб, фашистлар Германиясини ва унинг иттифоқчиларини тор-мор этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар.

Душман Совет—Герман фронтида ўзининг 607 та дивизиясидан ажраган бўлса, Ғарбий фронтда бор-йўғи 176 та дивизиядан маҳрум бўлди, Совет—Герман фронтида душман ўз жанговар самолётларининг тўртдан уч қисмидан, артиллериясининг катта қисмидан маҳрум бўлди. Фашистлар Германияси ўлдирилган, ярадор қилинган ва асир тушган жами 13,6 миллион кишидан 10 миллионини Совет—Герман фронтида йўқотди.

Фронтларда кўрсатган мардлиги, жасорати ва қаҳрамонлиги учун 11 мингдан кўп киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, 7 миллиондан ортиқ фронтчи жанговар орден ва медаллар билан мукофотланди.

Коммунистлар партияси эришган ғалабамизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлди. Уруш йилларида у чинакам жанг қилувчи партия бўлди. Коммунистлар фронтнинг олдинги сафларида, фронт ортининг энг қийин участкаларида бўлдилар. 1945 йилнинг май ойига келганда партия сафларида 5 миллион 900 минг коммунист бор эди. Бу уруш бошидагига нисбатан қарийб 2 миллион киши кўпдир. Синов йилларида партия сафларининг ўсиши — Коммунистик партия қудратли обрў-эътиборининг ёрқин далилидир.

Ўзбекистоннинг фарзандлари барча қардош халқлар билан ёнма-ён туриб, Улуғ Октябрь ғалабалари ҳимоясига отландилар. Республика фронтга юз минглаб кишиларни юборди. Москва бўсағаларида, Сталинград деворлари ёнида, Ленинград атрофларида, Курск ёйида, Керчь ва Новороссийск яқинида ва сўнгги, ҳал қилувчи жанг — Берлин учун қилинган жангда мардона урушдилар.

Фашистларга қарши олиб борилган жанглардаги қаҳрамонона жасоратлари учун ўзбекистонлик 120 мингдан кўп киши орден ва медаллар билан мукофотланди, Ўзбекистондан борган 278 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Улар орасида В. Набиев, С. Абдуллаев, Е. Стемпковская, Қудрат Суюнов, Тўйчи Эржигитов ва бошқа кўп кишилар бор.

Туркистон Ҳарбий Округида тузилган ва тайёрланган қўшилмалар ва қисмлар урушнинг жанговар йилномасига кўпгина шонли саҳифалар битди.

Уруш йилларида Округ Совет Армиясининг жанговар аслаҳахонаси, командирлар, сиёсий ва инженер-техник кадрлар тайёрлаш ўчоғи бўлиб қолди. Кўпгина қисмлар ва қўшилмалар, юзлаб марш роталар ва турли командалар шу ерда тузилди.

Уруш йилларида Ўзбекистон мамлакатнинг аслаҳахонаси ва озиқ-овқат макони бўлишидан ташқари, душман вақтинча босиб олган территориялардан кўчириб келтирилган кўп минглаб оилаларни қадрдонларидек қабул қилди, уларга паноҳ берди, уруш йилларининг бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди.

Ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар фидокорона, қатиқ меҳнатлари билан Буюк Ғалабани тобладилар. Уруш йилларида саноатимиз 480 мингтадан кўп тўп ҳамда 352 мингта миномёт, 102 мингтадан кўп танк ва ўзиюрар тўп, 137 мингтага яқин жанговар самолёт тайёрлаб чиқарди. Умуман СССРда фашистлар Германиясига нисбатан қарийб 2 баравар кўп ҳарбий техника ишлаб чиқарилди. Фидокорона меҳнатлари учун фронт ортидаги 16 миллион меҳнаткаш «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши давридаги шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди.

Бутун уруш давомида фронт билан унинг орқа томони туташ бир жанговар лагердан иборат эди. Душманнинг орқа томонидаги кучли партизанлар ҳаракати армия билан халқ бирлигининг яққол далили бўлди.

Лекин эришилган ғалаба катта қурбонлар ҳам келтирди. Уруш 20 миллиондан кўп совет кишисининг умрига завол бўлди, 10 миллионлаб етим-есир, бевалар, инвалидларни қолдирди. Иккинчи жаҳон урушида нобуд бўлган барча одамларнинг 40 проценти совет халқи ҳиссасига тўғри келади. Босқинчилар юзлаб шаҳарларни, 70 мингта қишлоқни, 32 мингтага яқин саноат корхонасини вайрон қилдилар, уларга ўт қўйдилар, ўн минглаб километр йўлларни буздилар, қарийб 100 мингта колхоз ва совхоз хўжалигини йўқ қилдилар. Етказилган жами зарар 2.600 миллиард сўм бўлди. АҚШ ва Англиянинг урушдан бойиб қолган империалистлари мисли кўрилмаган талафотлар, чарчоқлардан ҳолдан тойган совет халқи четдан ёрдам бўлмаса жароҳатларини даволай олмайди ва асоратга тушади, деб умид қилгандилар. Лекин улар чучварани хом санадилар. Буюк халқнинг буюк жасорати Ғалабадан кейин ҳам давом этди.

Бизнинг ғалабамиз оламшумул тарихий қўламдаги воқеа бўлди. У кўпгина халқлар ва давлатлар ҳаётида тараққиётнинг бурилиш босқичи бўлди, жаҳон сиёсатида, экономикасида, идеологиясида, миллион-миллион кишиларнинг онгида чуқур ўзгаришларни вужудга келтирди. У Европанинг асоратга тушган халқларини фашизм ўлатидан қутқариб қолди.

Уруш якунлари ва сабоқлари жаҳонгирликни даъво қилаётган янги кишиларни қаттиқ огоҳлантиради. Лекин кейинги вақтларда дунёдаги воқеаларнинг бориши агрессив империалистик доиралар қуролланиш пойгасини қамчилашда давом этиб, уни космоса ҳам олиб чиқиш ниятида эканликларини кўрсатмоқда.

АҚШ бутун-бутун регионлар ва қитъаларни «ҳаётий манфаатлар» зонаси, деб эълон этиб, аслида жаҳонга ҳукмрон бўлишни, халқларнинг тақдирини ўзи ҳал этиш ролини даъво қилмоқда. АҚШ контрреволюцияни экспорт қилиш ҳамда ёлланган бандитлардан фойдаланиш воситасида социал интиқом олиш ҳаракатида қонуний ҳукуматларни ағдариб ташлаб, ўз малайларини ҳокимият тепасига кўйишга уринмоқда. Афғонистон, Ливан, Никарагуа, Ангола, Мозамбикка қарши эълон қилинмаган урушлар, бошқа давлатларга қарши қўпорувчилик ҳаракатлари бунга мисол бўла олади.

Партиямиз чигал, хавф-хатарларга тўла халқаро вазиятни, ҳарбий хавф-хатар мавжудлигини назарда тутиб, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилмоқда. «СССРнинг мудофаа қудрати совет кишиларининг тинч меҳнати ва тинч ҳаётини пухта ҳимоя этишга имкон берадиган даражада сақланмоқда, деб бугун бутун масъулият билан айта оламиз», — деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида.

Ўтган 42 йил мобайнида империалистлар мамлакатимизга ядровий ҳужум қилиш режаларини неча бор пишитдилар. Улар ҳозирга қадар шунга жўраст этаолмаган бўлсалар, аввало сабаб шуки, уларни давлатимизнинг ҳарбий ва иқтисодий қудрати, агрессорга муқаррар жавоб зарбалари тушиши уларни тийиб турибди.

Шонли Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий Округимиз жангчилари Ватан қуролли ҳимоячиларининг ягона сафида туриб, ватанпарварлик бурчларини фидокорлик билан бажармоқдалар, улар орасида Совет Ўзбекистонининг вакиллари кўп.

Қишки даврда Округ қўшинларида ўтказилган текшириш якунлари туркистонликларнинг жанговар кўникмалари янги босқичга кўтарилганлигини кўрсатди.

Округ жангчиларининг асосий қисми партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми ҳамда ВЛКСМ XX съездининг қарорларига иш билан жавоб бериб, қайта қуришга, юксак пировард натижалар учун курашга фаол киришиб кетганликларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Бугунги кунда ҳарбий коллективларда юзага келаётган барча ватанпарварлик ташаббусларида буюк замонамизнинг руҳи, инсон омилининг ортиб бораётган роли, партиямиз тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини амалий қўллаб-қувватлаш, жангчиларнинг Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш, Округ қисмлари ва бўлинмалари жанговар тайёрлигини янада ошириш ҳаракатлари ёрқин намоён бўлмоқда.

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ... В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

СЎНМАС ЖАСОРАТ

Ватанимиз тупроғига фашист босқинчилари бостириб кирганида мактаб директори Ф. Йўлдошев ўз тенгдошлари яккабоғлик Ш. Бойназаров, О. Иброҳимовлар билан фронтга кўнгилли бўлиб жўнади. Дастлаб запасдаги полкда взвод командирининг ёрдамчиси бўлиб хизмат қилди. Сўнг қисқа муддатли курсни битиргач, Дон фронтида қисм пулемётчисининг ёрдамчиси бўлди. Ф. Йўлдошев 1942 йил 18 декабрда шиддатли жангларнинг бирида ўнг қўлидан ярадор бўлиб, Липецк шаҳридаги госпиталга тушди. Бу ерда даволангач, яна сафга қайтди. 1-Украина фронтига хизматга юборилди. Курск ёйидаги мудофаада турган қисмда бўлинма командири сифатида жанг қилди. Фашистларнинг Курск — Орёл операцияси барбод бўлгач, қисмларимиз қарши ҳужумга ўтиб, Ғарб томонда душманни бир неча километр нарига улоқтириб ташлади. Ана шу жанглардаги жасорати эвазига Ф. Йўлдошев «Жасурлиги учун» медалига сазовор бўлди.

Совет Армияси жангчилари Сумск — Чернигов — Киев томон шиддат билан олға боришарди. Қисмларимиз Днепр дарёси бўйида қаттиқ қаршиликка дуч келдилар. Душман мудофаасини ёриб ўтиш ҳақида буйруқ олинди.

Файзуллани ва бошқа бир неча жангчини командир ҳузурига чақириб қолишди. Қандай бўлмасин дарёдан кечиб ўтиб, душманни чалғитиб, бошқа кучларимиз ҳам сувдан талафотсиз ўтишини таъминлаш керак эди. Бу масъулиятли топшириқ жасур жангчи Ф. Йўлдошев бўлинмасига топширилди. У дўстлари ҳузурига қайтиб, вазифани аниқ тушунтирди. Йигитлар бўлинма командирининг сўзларига диққат билан қулоқ солиб, топшириқнинг нақадар муҳим эканлигини ҳис этдилар. Атиги 2—2,5 километр келадиган масофада душман томондан тўхтовсиз отишмалар бўлиб турибди. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам жанговар вазифани бажариш керак.

Йигитлар дарёни кечиб ўтишга ҳозирлик кўришди. Тун ярмидан оққанда улар операцияни бажаришга киришдилар. Ғоят сезгирлик, совет аскарларига хос матонат кўрсатиб бўлинма фашистлар турган қирғоққа етиб боришди. Дарёдан кечиш жараёнида бўлинмадан бир киши ҳалок бўлди. Зудлик билан траншеялар ковлаш бошланди. Мудофаа истеҳкоми қуришга киришилди.

ҚАҲРАМОНЛАР ОРАМИЗДА

Тонг ёришди. Туни билан безовта бўлиб чиққан душман солдатлари шундоққина биқинларида пайдо бўлиб қолган совет жангчиларини кўриб ҳангу манг бўлишди. Лекин улар озлигини пайқаган душман жангчиларимизни тириклайин қўлга туширишга ҳаракат қила бошлади. Энди бўлинма жангчиларини ё ҳаёт, ё ўлим кутарди. Кўп ўтмай, олдин рўпарадан, бироздан сўнг чап томондан немислар ёпирилиб кела бошлади. Дарё қирғоғига ўрнашиб олган бўлинма жангчилари қуроллардан тинимсиз ўт очиб, душманга катта талафот етказиб туришди. Душман ҳужуми ҳар гал муваффақиятсиз якунланаверди. Шу тариқа икки кун юзма-юз олишув бўлди. Бўлинмадан бир неча киши ҳалок бўлди. Пулемётчи ўрнини Файзулланинг ўзи эгаллади. Чап оёғидан яраланган бўлишига қарамасдан командир душман миномётлари томон гоҳ пулемётдан ўқ ёғдирар, гоҳ граналар ирғитарди. Қоронғи тушди. Чап қирғоқдаги қисмларимиз аста-секин дарёдан ўта бошладилар. Бўлинма командири ва аскарларга биринчи медицина ёрдами кўрсатилди. Улар тинчроқ жойга жўнатилди. Файзулла яна Черниговдаги ҳарбий госпиталга тушди.

Инсон умрида шундай онлар бўладики, ўша лаҳзаларни ҳеч қачон ёддан чиқариб бўлмайди. Днепр дарёсидаги операция Файзулла Йўлдошев ва унинг бўлинмасидагиларни чинакамига имтиҳондан ўтказди. Йигитлар ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ўз ортларида она-Ватан турганлигини сира ёддан чиқармадилар. Уларнинг қаҳрамонликлари бутун қисмга овоза бўлди. СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 29 октябрдаги Фармонига биноан бир гуруҳ жангчилар орден ва медаллар билан мукофотландилар. Алоҳида хизматлари ва операциянинг муваффақиятини таъминлашдаги жасорати учун Файзулла Йўлдошевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Шу орада қаҳрамон жангчи кичик офицерлар тайёрлаш курсини битирди. Энди у батальон партия ташкилоти секретари этиб сайланди. Жангчиларни ғалаба учун олға етаклади. Руминия, Венгрия, Чехословакия, Австрия ерларида душман додини берди.

Файзулла Йўлдошев урушдан кейинги йилларда партия ташкилотларида, халқ маорифи соҳасида ишлади. Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга ҳисса қўшди.

Бугун кексалик гаштини сураётган қаҳрамон жангчи, халқ маорифи жонкуяри Файзулла Йўлдошев ҳамон одамлар орасида. У тез-тез маҳалла меҳнаткашлари, мактаб ўқувчилари билан учрашади. Куйбишев қишлоқ Совети территориясини ободонлаштиришга, омма орасида янгича анъаналарни кенг қулоч ёйдиришга бош-қош бўлянти.

А. ҚОРАБОЕВ.
Наманган области.

ЖАНГОВАР ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲАЁТИДАН

Байрамингиз муборак

Мана қирқ икки йилдирки, совет кишилари тинч осмон остида яшаб, ижодий меҳнат билан шуғулланмоқдалар. Мен ўз йигитлик бурчимни бажарар эканман, она-Ватанимиз осойишталиги, тинчлиги йўлида хизмат қилаётганимдан дил-дилдан қувонаман. Ҳарбий хизмат ёшлар учун катта ҳаёт мактаби эканлигини ҳис қиляпман. Чунки биз бу ерда ҳар томонлама чиниқиш билан бирга, сиёсий билимдонликни ҳам ўрганмоқдамиз.

Ҳа, мен тинчлик даври солдати эканлигимдан бахтиёрман.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, бахтимиз учун курашган Улуғ Ватан урушн ветеранлари!

М. ҚУРБОНБОЕВ,
кичик сержант.

Мусобақа ролиби

Бозор Жаҳонов ҳарбий хизматга Қашқадарё областининг Бешкент шаҳридан чақирилган. У она-Ватан олдидаги бурчини шараф билан адо этмоқда. Қисқа вақт ичида ёш жангчи бир неча ихтисосни эгаллаб олди. Ҳозир Б. Жаҳонов ўз тажрибасини ёш жангчиларга сидқидилдан ўргатмоқда. Яқинда илғор жангчи кўксини «ВЛКСМ XX съезди шарафига меҳнат вахтаси ғолиби» кўкраги ишони безади. Бу уни хизматда янги муваффақиятлар сари илҳомлантириб юборди.

КОВАЛЕНКО,
офицер.

* * *

Шунингдек, оддий солдатлардан Ш. Шаробиддинов, Қ. Абдуллаев, К. Тешабоев, Х. Оқмирзаев ва бошқаларнинг йўллаган хат ва хабарларида она-Ватанимиз посбонларининг хизматда эришаётган ютуқларн ҳақида ҳикоя қилинган.

ИЗЛАРИНИ ИЗЛАЙМИЗ

1863-зенитчи-артиллерячи полк Улуғ Ватан уруши йилларида Карелия фронтида фашист босқинчиларига қарши курашиб, душманга катта талафот етказган. Полк составида кўпгина ўзбекистонлик ўғлонлар ҳам жанг қилишган эди. Тўп ўқловчиси оддий солдат Шарифхўжа Шарипов, оддий солдатлардан Урмонова, Латипов ва бошқалар бизга ўзларн ҳақида маълум қиладилар деган умиддамиз.

214004, Смоленск — 4, Багратион кўчаси 5 — 15, Василий Кузьмич БЕЗДОРОЖНИЙ.

●

1941 йил августида Златоустдаги ҳарбий-инженерлик билим юртини ўзбек йигити Т. Каримов билан бирга битириб, шу ердан лейтенант унвони билан фронтга жўнагандик. У рус тилини яхши биларди. Ҳамон менн унинг урушдан кейинги тақдири қизиқтиради.

Г. ЗУБОВ. Яшаш жойим: 614026. Пермь шаҳри — 26. Шчербаков кўчаси, 62 «а».

ЙИГИТ ХИЗМАТ ЁШИДА

НАВОИЙ ОБЛАСТИДАГИ АЙРИМ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРУВ ПУНКТЛАРИ ИШИГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШ КЕРАК

Йигит хизмат ёшига тўлди. Мана чақириқ қоғози унинг қўлида. Қалбида ширин ҳаяжон... Кўп ўтмай у солдат бўлади, Ватан фармонини бажаради. Йигит учун бундан кўра муқаддас бурч йўқ.

Хизматга чақирилувчи йигитлар ана шундай ҳис-туйғулар билан ҳарбий комиссариатга қадам қўйишади. Зотан психологларнинг фикрича, илк ҳис-туйғунинг инсон маънавиятидаги роли катта. Шундай экан, бу ердаги барча иш юксак талаблар даражасида ташкил этилмоғи керак.

...Навоий шаҳар хизматга чақирув пунктидамиз. Йигитлар навбат билан комиссия кўригидан ўтишяпти.

— Ўртоқ подполковник! Хизматга чақирилувчи Алексей Сергеев ҳузурингизга келди.

Унинг мовий кўзлари жиддий тортган, қоматини тик тутишга интиларди. Алексей мактабни тугатгач, шаҳардаги 20-ҳунар-техника билим юртига ўқишга кирди. Диплом олди практикасини ўтаётганида чақирув қоғози келди.

— Ўртоқ Сергеев, — деди шаҳар ҳарбий комиссари Т. Есбоев, унга синчиклаб разм ташлаб, — Хизматга ҳоҳиш билан боряпсанми?

— Худди шундай, ўртоқ подполковник.

Шаҳар ижроия комитети вакили — молия бўлими мудири Э. Эгамовни чақирилувчи ҳаётининг бошқа жиҳати қизиқтирди.

— Сен хизматга кетсанг, ота-онанг моддий жиҳатдан қийналиб қолмайдими? Қандай ёрдам керак? Уялмай айтавер?

Йигит бундай саволни кутмаган эди шекилли, бироз тараддудланиб турди. Кейин тетик жавоб берди:

— Ҳеч қандай ёрдам керакмас. Оиламизда ҳамма нарса жойида.

Шаҳар партия комитети, ички ишлар бўлими вакиллари ҳам унинг сиёсий етуклиги, ижтимоий активлиги ва жисмоний лаёқатига оид саволлар беришди. Алексейнинг жавоблари ҳаммага маъқул бўлди.

— Сени чегарачи қўшинлар сафига жўнатсак розимисан, — деди комиссар.

Сергеевнинг кўзлари севинчдан порлаб кетди. Бу қўшинда хизмат қилиш унинг орзуси эди.

Комиссия ўз ишини давом эттиради. Улар ҳар бир чақирилувчининг хизматга тайёргарлигини аниқ билишга интилишарди. Зарур ўринларда маслаҳат беришар, оддий нарсаларга ҳам қизиқишарди.

— Бу ишда майда нарса бўлмаслиги керак, — дейди Э. Эгамов. — Чунки йигитлар орадан кўп ўтмай Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишади. Шунинг учун биз чақирилувчиларнинг ҳамма жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қиламиз. Зарур бўлса ёрдам кўрсатамиз. Масалан хизматга чақирилувчи яқинда фарзанд кўрган ёки кутаётган бўлиши мумкин. Шундай тақдирда фарзандини болалар боғчасига жойлаштириш масаласини зиммамизга оламиз. Йигитнинг кўнгли оиласидан тинч бўлса, хизмати ҳам яхши ўтади.

Албатта, комиссиянинг масалага шунчалик масъулият билан ёндашиши кишини хурсанд қилади. Бироқ шаҳар ҳарбий комиссариатининг чақирув пункти йўқлиги унинг фаолиятини анча қийинлаштиряпти. Комиссариат хизматга чақириш-дек муҳим тадбирни мактаб ёки билим юртларининг биноларида ўтказишга мажбур бўлмоқда. Айни пайтда эса комиссия 4-ҳунар-техника билим юртининг залида иш олиб боряпти.

— Шаҳар партия комитети ва ижроия комитетига қилган ҳамма мурожаатларимиз самарасиз қоляпти, — дейди Т. Есбоев. — Жой йўқ, дейишади. Чақирилувчилар билан ишлаш эса кўпқиррали иш. Биз эса ҳозирги шароитда ҳатто лекция ўтказишга қийналиб қоляпмиз.

Хатирчи район ҳарбий комиссариатида аҳвол бутунлай бошқача. Комиссариат яхши бинога жойлашган. Бу ерда иситалган тадбирни ўтказиш мумкин. Биз комиссар подполковник А. Ҳуқумов билан хизматга чақириш пунктида учрашдик. Ёнимизда армияга отланаётган йигитлар медицина кўригидан ўтишарди. Улар ҳам кўп ўтмай мамлакатимизни ҳимоя қилиш учун сафга туришади.

Комиссия зиммасига ҳар бир ёшнинг ана шундай хислатларга лойиқ ёки нолойиқ эканлигини аниқлаш вазифаси юклатилган. Шу боис, унга ҳарбий комиссариат офицерлари билан бир қаторда район партия, совет, комсомол, ҳуқуқ органлари, медицина муассасаларидан вакиллар аъзо қилиб киритилади. Афсуски, бундай масъулиятли вазифага Хатирчида анча масъулиятсизлик билан ёндашилаётган эди.

Комиссия ўз ишини уч киши билан бошлади. Район партия комитети, райижроком, милициядан вакиллар келишмади. Сабаби бир хил. Бу ишда иштирок этиши лозим бўлган кишиларнинг йиғилишлари чиқиб қолибди. Райижроком вакили — молия бўлими мудири Ё. Жўрақулов билан район партия комитетининг инструктори Б. Ҳалимов райком бюросида, район ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари К. Бўрнев областдаги мажлисда экан. А. Ҳуқумовнинг устмаст қўнғироқларидан кейин райком вакили етиб келди.

Комиссиянинг фаолияти ҳам кишини ажаблантирарли эди. Медицина кўригидан ўтгач 7—8 йигит улар олдига бирдан киришарди.

Комиссия аъзолари чақирилувчилар делосини кўздан кечиришар, йигитлар кайфияти, ахлоқий жиҳатлари, оилавий аҳволини аниқлашга қарийб қизиқмасдан секретарга узатишарди. Бундай эътиборсизлик на район комсомол комитети ташкилий бўлими мудири, на райком инструкторининг пинагини бузди. Комиссия ва ҳарбий комиссариат чақирилувчилар билан сиёсий-тарбиявий тадбирларни ўтказишга ҳам унчалик эътибор қаратмаётган эди. Бир сўз билан айтганда муҳим иш юзаки ташкил этилган эди.

Бундай ҳол жузъий эмас. Навоий областининг бошқа ҳарбий комиссариатларида ҳам шундай фактларга дуч келиш мумкин. Бунинг яна бир сабаби мактабларда бошланғич ҳарбий таълимга эътиборсизликка бориб тақалади. Шу боис, кўплаб навоийлик йигитларнинг билими саёз, улар жисмоний жиҳатдан анча нимжон бўлиб ўсишяпти. Албатта, бу ўринда уларни ўқишдан қолдириб, қишлоқ хўжалик ишларига ҳар йили ойлаб жалб этиб келинганлигининг ҳам таъсири бор. Натижада йигитлар хизматни ўташда қийинчиликларга учрамоқда.

Бу масалалар хусусида Ғалаба кунида фикр юритаётганимиз эриш туюлар. Аслида улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Улуғ Ватан урушидаги ғалабага катта машаққат ва кўп қурбонлар эвазига эришилганлигини яхши биламиз. Ҳозирги авлод зиммасида эса бутунлай бўлакча вазифалар турибди. Улар дунёда тинчликни сақлаб қолиш, мамлакатимиз чегараларининг дахлсизлиги учун жанговар постлардаги сергак ҳимоячилар бўлишлари лозим. Оталар ишига содиқ жангчилар эса армиядагина тобланишмайди, энг аввало уларни гражданлик ҳаёти тарбиялайди. Буни унутмаслигимиз керак.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» муҳбири.

ДЕНГИЗ БИЛАН ЭГИЗАК ШАҲАР

АНДИЖОН ОБЛАСТИДАГИ СОВЕТОБОД ШАҲРИДА ХЎЖАЛИК ВА МАДАНИЙ ҚУРИЛИШНИ ҚУЧАЙТИРИШ, ОБОДОНЧИЛИК ИШЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА

Советобод шаҳри ташкил топганига ўн беш йил тўлди. Куни кеча навқирон шаҳар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Советободнинг тақдири Андижон сув омборининг яратилиш тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам уни бемалол денгиз билан эгизак шаҳар деб айтиш мумкин. Сув омбори қурилиши муносабати билан Қорабағиш қишлоғи ўрнида дастлаб вагон уйлардан иборат шаҳарча қурила бошлаганди. Аста-секин вагон уйлар ўз ўрнини кўп қаватли, чиройли турар-жойларга, маданий-маиший биноларга бўшатиб берди. Қисқа вақтда замонавий шаҳар вужудга келди. Советобод жуда тез гуллаб-яшнади.

Шаҳарда турли миллат вакиллари ҳамжиҳат яшайди. Ўзбек, рус, қирғиз, тожик, қозоқ, украин, белорус, арман, уйғур, корейс, татар, молдаван каби 43 миллат бир оила фарзандларидек иноқлашиб кетишган. Уларнинг аксарияти асосан Андижон сув омбори қурилиши қатнашчилари.

Интернационал шаҳарда саноат жуда тез ривож топди. Иттифоқда ягона «Тарандубитель» бирлашмаси бутун мамлакатга — тери ошлайдиган порошок етказиб беради. Шаҳарда йирик бетон заводи, электр асбоб-ускуналари заводи, кабель заводи, темир йўл станцияси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати, қурилиш ташкилотлари, савдо бошқармаси ва қатор магазинлар бор. Советобод автовокзалидан қўшни районлар, қишлоқлар, Андижон, Ўш, Жалолобод шаҳарларига автобуслар қатнаб туради. Тошкент — Советобод маршрутининг очилиши шаҳар аҳолиси учун яна бир қулайлик бўлди.

Шаҳарда кейинги йилларда кўпгина қурилишлар қилинди. 200 минг квадрат метр уй-жой массивлари барпо этилди. 13 та типовой боғча-ясли бинолари қад кўтарди. Мактабгача ёшдаги болаларнинг 75—80 процентини шу боғча ва яслиларда тарбияланади. Иккита ҳунар-техника билим юрти, индустриаль техникуми, музика ва спорт мактаблари мавжуд. Пионерлар уйи, маданият уйи, почта, клуб аҳоли хизматида. Шаҳар поликлиникаси кунига 300 дан ортиқ беморга медицина хизмати кўрсата олади. Шаҳар шифохонасида эса бир йўла 245 беморни даволаш мумкин. Поликлиника ҳам, касалхона ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Атрофи обод, сўлим боғ.

Ошхоналар, чойхоналар озода, саранжом-сариштa. Шаҳарда 4 та ўрта мактаб бўлиб, улар 5 минга яқин ўқувчини ўз бағрига олган. 200 дан ортиқ педагог ёш авлодга таълим-тарбия беради. Советлар уйи, универмаг, савдо тармоқлари, маданий-маиший муассасалар шаҳарнинг кўркига кўрк қўшиб турибди. 5 минг ўринли стадион спортчилар хизматида.

Шаҳарнинг кун чиқиш тарафи адир бўлиб, у Андижон сув омборининг бир томонини тўсиб турган тоққа туташиб кетади. Қирдан бутун Советобод шаҳри, Қорадарё соҳиллари, Андижон сув омбори тўғони шундоқ кўриниб туради. Бош планга мувофиқ шаҳар ана шу қир ёнбағирлари томон кенгайяпти. «Тарандубитель» бирлашмаси коллективи адирнинг «Хонтахт» деган жойига насос билан сув чиқариб дам олиш зонаси яратган.

Бирлашма коллективи «Хонтахт»ни обод қилди. Дарахтлар ўстирди. Ажойиб оромгоҳ яратди. Қирга чиқадиган зиналар қилинди, автомобиль йўли қурилди. Оромгоҳнинг ўртасида чойхона, сўрилар... Ундан анча нарида профилакторий очилган. У ерда марказий санаторийлардагидек ҳамма шарт-шароит муҳайё. Қўшни «Жалолобод» санаторийсидан минерал сув, шифобахш лой келтирилиб, бод, тери касали билан оғриган беморлар даволанмоқда. Профилакторий 50 кишига мўлжалланган.

Шаҳар бунёд этилгандан сўнг бирлашма оромгоҳи анча гектарга кенгайтирилди. Унга «Боғи баланд» номи берилди. Бу ер баҳаво жой. 2 гектар майдонда гуллар водийси барпо этилган. 100 кишига хизмат қиладиган чойхона, «7-Осмон» деб номланган ресторан, кафе, аттракционлар мавжуд. Адир чўққисига ўрнатилган карусель узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб туради. Ўрта Осиёда дастлабки бир километрли масофага осма йўл Советободда қурилди. Бу йўл пиёдаларни шаҳардан «Боғи баланд»га олиб чиқади.

Кўп ишлар ҳашар йўли билан қилинган. Советободда тез-тез шанбаликлар ўтказиш анъанага айланиб қолган. Ана шундай оммавий ҳашар чоғида бутун шаҳар аҳолиси иштирок этади десак муболаға бўлмас. Шаҳар оромгоҳини яратишда «Тарандубитель» бирлашмаси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати, автобаза, «Андижангидростой» бошқармаси, ҳунартехника билим юртлари коллективлари фаол қатнашди. Шаҳар аҳолиси ҳар шанба, якшанбани «Боғи баланд»да ўтказишади. Бу боғда бир кун ҳордиқ чиқарган одам ўзида бир ҳафталик куч йиғади.

Шаҳарда рус, ўзбек, қирғиз бадиий ҳаваскорлик тўгараклари тузилган. Айниқса «Фольклор» ашула ва рақс ансамбли шаҳарда катта шуҳрат қозонган. Бу ансамбль область миқёсида ҳам танилган. «Дилрабо» ашула ва рақс ансамбли Россиянинг Ноқоратупроқ ерларида ишлаётган андижонликларга яхши маданий хизмат кўрсатгани учун Новгород область комсомол комитетининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Гидрошаҳарчанинг қад кўтариши, обод бўлишида кекса коммунист С. Меҳмоновнинг хизмати катта. У Советобод шаҳар ижроия комитетининг биринчи раиси. Асли советободлик, Хонобод қишлоғида туғилиб, шу ерда камол топган. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Меҳмонов шаҳарнинг чинакам жонкуяри. У «Тарандубитель» заводининг (ҳозирги бирлашма) директори бўлиб ишлаган маҳалида «Хонтахт»га биринчи дарахт ўтқазган. Бутун куч-қувватини, меҳрини шаҳарни обод қилишга бағишлади.

Республика партия ва ҳукумати Андижон денгизи атрофини, Советобод шаҳрини обод этиш учун катта маблағ ажратди. Денгиз бўйида Владимир Ильич Ленинга бюст ўрнатилди. Гидроэлектростанция, сув омбори тарихи музейи қурилди. Замонавий архитектура комплекси барпо этилди.

Эндиликда бу шаҳарнинг номи республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимизда ҳам танилиб боряпти. Советобод ям-яшил боғлар ва гуллар шаҳрига айланди. Унинг ойнадек ярқираган кенг кўчаларида гуллар яшнаб туради. Бу ерга келувчи саёҳатчилар сони кўпайиб бораётганлиги туфайли 1979 йилда шаҳарда экскурсиялар ва саёҳатлар бюроси ташкил этилган. Ана шу бюро маълумотига кўра, ҳозирга қадар шаҳарга мамлакатимизнинг турли жойларидан 30 мингдан ортиқ киши келиб-кетган.

Ҳар шанба-якшанбада шаҳар марказидаги майдонда ярмарка очилади. Кўчма савдо дўконлари, умумий овқатланиш корхоналари аҳоли хизматида бўлади. Ашула ва рақс ансамбллари очиқ майдонда концерт беради. Халқ сайили кун бўйи давом этади. Яқинда «Боғи баланд»да Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган кишилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик очилди.

Комсомол кўли зонасида 150 та автомобилга мўлжалланган Бутуниттифоқ автокемпинг қурилиши мўлжалланмоқда. Ҳозир лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр. Шаҳар маданият ва истироҳат паркидаги кўлда эса ўндан ортиқ сув велосипеди ва қайиқлар ишлаб турибди. Бу ер ҳам меҳнаткашларнинг ажойиб оромгоҳига айланган. Умуман Советобод шаҳри ҳавосининг софлиги жиҳатидан Кавказ курортларидан қолишмайди. Андижон сув омбори яқинида областдаги бир қатор ташкилот ва корхоналарнинг дам олиш зоналари ташкил этилган.

Ҳозирги кунда шаҳар меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми белгилаб берган улуғвор вазифаларни шараф билан бажариш, Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлида мардона меҳнат қилмоқдалар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

БУКА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Райондаги 31-ўрта мактаб ўқитувчиларининг хати атрофлича текшириб чиқилди. Мактабда таълим-тарбия ишлари бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Текширишда шу нарса маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам кейинги вақтда мактабдаги камчиликлар ҳақида юқори ташкилотларга имзосиз хатлар ёзиш кўпайган. Улардаги фактлар асосан тасдиқланган. Шундай имзосиз хат юзасидан ўтказилган текшириш якунлари асосида район халқ маорифи бўлими қарори билан ишда нуқсонларга йўл қўйганлиги учун мактаб илмий мудири А. Эргашев вазифасидан озод қилинган. Қисқа муддат ишлаётганлиги ҳисобга олиниб мактаб директори Ҳ. Маҳмудова ва ташкилотчи А. Бердибоевларга ҳайфсан эълон қилинган. Редакцияга ёзилган хат юзасидан ўтказилган текшириш якуни мактаб педагогика коллективи умумий йиғилишида кўриб чиқилди. Мактабда таълим-тарбия ишларини яхшилаш бўйича тадбирлар белгиланди.

• *Хўжаликни оқилона юритайлик*

Мажбуриятга яраша

Кўп сменада ишлаш афзалликлари

Партия XXVII съезди социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифасини тиғиз қўйдики, бу кўрсатмани кенг меҳнаткашлар оммаси амалда қўллаб-қувватламоқда. Ишда жонкуяр кишилар қайта қуриш тадбирларини кўриб, жадаллаштиришнинг янги резервларини ҳаракатга келтираётирлар.

Қуйидаги материалларда республикамиз меҳнат коллективларида ишлаб чиқариш-техника кўрсаткичларини яхшилаш, хўжасизликка қарши кураш соҳасида нималар қилинаётгани билан танишасиз.

Ишлаб чиқаришни иккиуч сменада ташкил этиш жадаллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш, тежамкорлик, самарадорликни кўпайтиришнинг муҳим омили эканлигини илғорлар мисолида кўриб турибмиз. Шу сабаб бу прогрессив усулга тезроқ ўтиб ишлашга узил-кесил қарор қилдик.

Кўп сменалилик ишлаб чиқаришни аниқ маромда ташкил этишда талай қийинчилик ва муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Аввало, машина ва ускуналар янгиланди, муҳим участкалар реконструкция қилинди. Хом ашё, материал, электр энергия, иссиқлик энергияси таъминотининг нормалари қайта кўриб чиқилди. Ишчилар психологиясида туб ўзгаришлар ҳосил қилишга киришилди. Муҳими, социал-иқтисодий масалаларни корхонанинг ўз маблағи ҳисобига қўшимча воситалар жалб қилмай туриб ҳал этишга алоҳида эътибор берилди. Шу асосда ишчиларнинг уйжой, болалар боғчаси ва бошқа эҳтиёжларини корхонанинг ўз маблағи ҳисобига қондириш мумкин бўлмоқда.

Ҳозир корхонамиздаги барча цехларда уч сменали иш жорий этилди. Ишлаб чиқариш кечаю-кундуз тўхтовсиз давом этяпти. Бир қатор ташкилий-техникавий тадбирлар белгиланди. Кўпгина ишчилар малакаси оширилди. Учта ремонт бригадаси механизм ва ускуналарга вақтида техник ёрдам бериб турибди.

Назорат комиссияси ташкил қилинди. Комиссия дастгоҳлар ҳолатини, калава ва газламалар сифатини муттасил текшириб, юзага келган масалаларни ҳал этиш ҳақида тегишли тавсиялар бериб боряпти. Назорат комиссияси ишни самарали усулларда ташкил этиш, пировард натижалар юқори бўлишига катта таъсир кўрсатмоқда.

Ишни уч сменада ташкил этиш туфайли машина-ускуналардан фойдаланиш коэффициенти ошди. Планлар муттасил ошириб бажариляпти. Чунончи, йигирув цехининг ишчилари эндиликда нормадаги 120—130 тонна ўрнига ҳар ойда 160—170 тонна калава чиқаришяпти. Тўқув цехида эса 500—550 минг метр ўрнига 700—750 минг метр хом сурп тайёрланмоқда. Бу цехларда маҳсулот сифати нормадагидан 15—16 процент юқори бўлмоқда.

Коллектив пудрат нафи ортиб бормоқда. Буни янги усулда ишлашга даслабкилар қатори ўтган Фазилат Турсунова, Азамат Хурсанов, Жалолиддин Темиров, Ашурали Каримов бошлиқ бригадалар ишчилари муваффақиятларида кўриш мумкин.

Бир қарашда иш силлиқ кетаётгандек. Бироқ ютуқларни яна ҳам ошириш резервлари кўп. Бу ҳолатга хотиржам қараб ўтира олмаймиз. Райондаги баъзи ташкилотлар раҳбарларининг сўзи билан иши бир эмас. Масалан, ишчилар ошхона ишидан қониқмаяптилар. Айниқса, тунги сменадагилар учун тўкис шароит яратилмаган. Бу ҳақда район умумий овқатланиш корхонаси, 58-автокорхона раҳбарларига кўп айтилди. Транспорт масаласи ижобий ҳал этилмаганлиги натижасида ой сайин 50—60 тонна маҳсулот реализация қилинмай омборларда қолиб кетяпти.

Бундай камчиликлар тезроқ бартараф этилиши керак. Кўп сменали иш хосиятини ишчиларимиз ўз фаолиятларида яққол кўриб турибдилар. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига йиллик план топшириғини барвақт бажариш, планга қўшимча бир неча минг тонна ип, хом сурп ишлаб чиқариш юзасидан олган мажбуриятимизни бажариш ҳаракатидамиз.

Т. МАҚСУДОВА,
Наманган область Ҳаққулобод йигирув-тўқув фабрикаси ишчиси.

Шу ҳам «изланиш»ми?

Хўжасизликка чек қўйилсин

Қорақалпоғистон АССР «Маслопром» бирлашмаси — Хўжайли, Чимбой, Беруний ёғ заводларини ўз ичига олади. Бу бирлашма план топшириқларини адо этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва шартнома мажбуриятларини бажаришга ҳаракат қилиб келмоқда. Афсуски, айрим «изланиш»лар бу ҳаракатнинг зое кетишига сабабчи бўлмоқда.

Гап бундай: 1983 йилда бирлашма корхоналарига тегишли барча транспорт воситалари марказлаштириладиган бўлди. Ниҳоят, ўша йил март ойида Нукус шаҳридаги 9-автокорхонага «Маслопром», Нукус ёғ комбинати ва пиво заводлари транспорт воситалари тўпланди. Бу «янгилик» ёнилғи-мойлаш материалларини тежаш мақсадида қўлланилгани таъкидланди. Лекин ўйланмай қилинган иш самара бермаяпти. Қисқа вақт ичида 9-автокорхонага учта директор келиб-кетди. Аммо иш олға босмади. Шундан сўнг яна автотранспорт техникаси аввалги корхоналар ихтиёрига ўтказилди.

«Узпишчепромтранс» бирлашмаси бош директори Г. Приливко буйруғига мувофиқ, 1987 йилнинг февраль ойида Нукусдаги 9-автокорхона тугатилиб, унинг ихтиёридаги транспорт воситалари Урганч шаҳридаги 10-автокорхонага ўтказилди. Таажжуб! Ахир ёғ заводлари ва унинг транспорт воситаларига эгалик қиладиган корхонани 250 километр нари-бери қилиб қўйиш кимга керак бўлди экан? Қисқа вақт ичида Беруний ёғ заводига тегишли иккита «Газ-51», «Зил—130», «Газ-53» машиналари ҳисобдан чиқариб ташланди. Ваҳолонки, улар заводнинг ўзида турганда иш манфаати нуқтаи назаридан бирортаси ҳам ҳисобдан чиқарилмаган бўларди.

Шу ҳам қайта қуриш бўлдими?

И. МАТЕҚУБОВ,
Қорақалпоғистон АССРдаги Беруний ёғ заводининг автослесари.

ЧССР китоблари ўн кунлиги

Қардош халқнинг миллий байрами — Чехословакия фашист босқинчиларидан озод қилинган кун шарафига Тошкентдаги «Дўстлик» магазинида ЧССР китоблари ўн кунлиги очилди. Шаҳар жамоатчилигининг, Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятнинг вакиллари, Юлиус Фучик номли 244-мактаб пионерлари, Прагани озод қилишда қатнашган уруш ветеранлари бу ерга келдилар.

Магазиндаги кўргазмага Чехословакия адиблари ва шоирларининг икки юздан ортиқ асари қўйилган. Стендларда ижтимоий-сиёсий, илмий адабиётлар, санъатга оид китоблар, буклет ва открткалар ҳам намойиш этилмоқда. Улуғ Ватан уруши йилларидаги Совет — Чехословакия ҳамкорлиги эсдаликлари тўплами ҳаммани қизиқтирди.

Қардош мамлакат ёзувчиларининг асарлари СССР халқларининг 42 тилига таржима қилинганлиги ва улар кейинги қирқ йил ичида жами 146 миллион нусхада чиқарилганлиги Чехословакия адабиётининг мамлакатимизда нақадар машҳурлигидан далолат беради. Ўзбекистон нашриётлари ҳам бу ишга ҳисса қўшдилар.

ЧССР китоблари ўн кунлиги доирасида китоблар сотиладиган кўргазма ташкил этилади, китобхонлар конференциялари ўтказилади.

(ЎзТАГ).





● ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ. Пахтакор районидаги Кичанов номли совхоз пахтакорлари чигити униб чиққан пайкалларда ғўза парваришини бошлаб юбордилар. Ўсимлик қатор ораларига ишлов бериш хўжаликнинг 10-бригадасида айниқса, уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Суратларда: 1. Дала ишларини тез ва соз адо этишда пешқадамлик қилаётган моҳир механизатор Д. Турсунов. 2. Ғўзага ишлов берилмоқда. 3. Ёш ниҳол.

У. ҚУШВОҚОВ
фотолари.

Парвариш қизғин

САМАРҚАНД. Иштихон районидаги «Меҳнат-роҳат» колхозининг Вали Самадов бошлиқ бригадаси деҳқонлари сифатли тайёрланган майдонларга чигит экиш ишларини бу йил 3 иш кунида тугалладилар. Механизаторлар группа усулида иш олиб боришди. Абдуҳолиқ Ашуров, Қўшоқ Худойбердиев, Шуҳрат Тавбоев, Сайдулла Муқимов, Мамараҳим Раббимов сингари механизатор ва сеялкачилар экипажларининг бунда ҳиссаси катта бўлди. Бригада пахтакорлари бу йил 61 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар. Ҳозир бригадада дастлабки экилган майдонларда чигит қийғос униб чиқиб, дастлабки культивация бошлаб юборилди.

Ў. САИДОВ.

• *Далалардан дараклар*

Ғўза униб чиқди

АНДИЖОН. Балиқчи районн миришкорлари чигит экишни тез ва соз ўтказишди. Райондаги «Победа», «Коммунист», «Социализм» ва «Правда» колхозлари дала ишларида пешқадам.

«Коммунист» колхозининг Дадабой Отақориев, Маҳмуджон Бойбобоев, «Победа» колхозининг Долимжон Тошбоев ва Пўлатжон Қаландаровлар бошлиқ бригадаларнинг даслабки экилган пайкалларида ғўза униб чиқди.

Район деҳқонлари эндиликда кўчатлар бут бўлиши учун қизғин кураш олиб боришяпти. Улар бу йил она-Ватанга камида 56 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга қарор қилишган.

С. ИИГИТАЛИЕВ.

Мўл озуқа учун

ЖИЗЗАХ. Ғаллаорол райони чорвадорлари бу йилги қулай имкониятдан фойдаланиб, чорва қишлови учун 100 минг тонна дағал хашак, 40 минг тонна кўк ва илдиз мевали озуқа жамғаришга қарор қилдилар. Бу райондаги ҳар бир шартли мол учун 17 центнердан озуқа бирлиги демакдир.

Район далаларида бу йил хашак ўрим-йиғимида 57 та трактор косилкаси, 42 та озуқа ўраш комбайни, 18 та жатка, 30 та грабель, 45 та пресслаш агрегатлари, 29 та юклаш техникаси унумли ишлатилади. 400 та турли хил маркали техника воситалари йиғилган хашакни ташиш учун шай. Меҳнатнинг пудрат усулига кўчган 28 бригада, 31 звено ва 12 оила ҳозир бу ишга фаол киришдилар.

Ем-хашак жамғариш — ҳамманинг иши. Шунинг учун дам олиш кунлари район ташкилотлари ва корхоналари ишчиларидан 20 минг киши мавсумга кенг жалб этилди. 59 муваққат партия, комсомол группалари тузилди. Уларга 172 коммунист, 336 комсомол аъзолари уюшди.

Яқинда райондаги Карл Маркс номли совхозда хашак ўрим-йиғимини илғорлар тажрибаси ва индустриал технология асосида ташкил этишга бағишланган семинар-кенгаш ҳам бўлиб ўтди. Ҳозир райондаги барча хўжаликларда хашак ўриш ва сенаж бостириш ишлари қизғин давом этмоқда.

А. ЭРГАШЕВ.

• *Дунё овози*

МУНОЗАРАДАН СЎНГ

● ВАШИНГТОН

АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси чоршанба куни 1988 молия йилига мўлжалланган ҳарбий харажатлар тўғрисидаги қонун лойиҳасига 181 овозга қарши кўпчилик 245 овоз билан тузатиш қабул қилди. Бу тузатиш Рейган маъмуриятини СҚЧ-2 шартномасининг қоидаларига қатъий риоя қилишга даъват этади.

Демократик партия номидан конгресс аъзоси Норман Дикс (демократ, Вашингтон штатидан) таклиф этган тузатишга кўра келаси молия йилида маъмурият СҚЧ-2 шартномасида белгиланган чекловдан ошадиган ҳар қандай қурол системаларини кўпайтириш ёки уларни қўллаб-қувватлашга маблағ ажратишни тақиқлаб қўяди. АҚШ президенти Совет Иттифоқининг шундай чеклашларни бузганлик далилларини конрессга маълум қилган ҳолдагина бундай тақиқлаш бекор қилиниши мумкинлиги ҳужжатда алоҳида таъкидланган. Мунозаралар чоғида сўзлаган демократлар бундай мажбурият АҚШнинг манфаатларига ва қуроллариш устидан бутун назорат ишига мувофиқ келади, деб таъкидладилар.

СССР Ташқи ишлар министрлиги вакилининг баёноти

Маълумки, Қўшма Штатлар Осиёга нисбатан ўзининг ҳарбий — стратегик режалари доирасида Покистонга алоҳида роль ажратмоқда. АҚШ унинг территориясидан Жанубий ҳамда Жануби-Ғарбий Осиё давлатларига бевосита ҳарбий тазйиқ ўтказиш учун, демократик Афғонистонга қарши эълон қилинмаган уруш олиб бориш учун бир плацдарм сифатида фойдаланмоқда.

АҚШ Покистонга энг замонавий қурол турларини: ядро қуролини элта оладиган Ф-16 самолётларини, «Стингер» ракеталарини, радиоэлектрон аппаратлари ҳамда бошқа воситаларни етказиб бермоқда. Покистон эндиликда ташқаридан берилган ёрдам туфайли атом бомбасини яратиш имкониятига эга бўлиб қолди, бу ҳақда Покистон президенти Зиё Ул Ҳақ рўй-рост айтди. Аммо иш шу билан чекланиб қолмади. Чунончи кейинги вақтларда Покистонга нишонларни бар-вақт пайқаш ва унга йўналтириш системаси — эвакс самолётларини етказиб бериш тўғрисида Вашингтон билан Исломобод ўртасида олиб борилаётган музокаралар ҳақидаги хабарлар пайдо бўлиб қолди. Мана шу системадаги самолётларда Америка ҳарбий ходимлари хизмат қилади.

Гап Покистон территориясида ўз ер мулки ёки ижарага олиш ҳуқуқи асосида замонавий разведка ва бошқариш воситаларини жойлаштириш тўғрисида боряпти. Ҳар қандай ҳолда ҳам бу нарса Покистон территориясида АҚШ ҳарбий хизматчиларининг доимий туришига ва Америка ҳарбий техникасининг янги турлари пайдо бўлишига олиб келади. Авакс системасини Покистон территориясида жойлаштириш ташаббускорлари Покистонга туташ территориялар ҳамда осмон бўшлиғи контрол қилиниши ва кузатиб турилишни таъминлабгина қолмай, шу билан бирга қўшни давлатларга қарши хатарли ҳарбий ишларни ўтказиш имкониятини ҳам олишни истардилар.

Бу ҳол қўшни мамлакатларга нисбатан нодўстона тадбир бўлиб, Покистон АҚШнинг Осиё регионидаги хатарли стратегиясига тобора кўпроқ жалб этилаётганлигидан, Покистон ўзининг қўшилмаган давлат статусига путур етказаётганлигидан далолат беради.

Жанубий ва Жануби-Ғарбий Осиёда кескинликни жуда кучайтириб юборишга йўлидаги яна бир уриниш яққол кўриниб турибдики, бу нарса кўпгина мамлакатларнинг, шу жумладан Ҳиндистон, Афғонистон ва Совет Иттифоқининг хавфсизлигига дахл қилиши тушинарлидир. Покистоннинг ўз қўшинлари билан муносабатларини яна ҳам кўпроқ чигаллаштириш, улар ўртасида ишончсизликни кучайтириш муддаоси ҳам кўриниб турибди.

Мана шуларнинг ҳаммаси АДР ҳукумати эълон қилган миллий яраш программаси БМТ Бош секретарининг шахсий вакили Кордовес воситачилигида Афғонистон — Покистон музокараларида Женевада эришилган муҳим силжиш билан қўшилиб, яқин келажакда Афғонистон теварагидаги аҳволни бартараф этишга, умуман региондаги вазиятни нормаллаштиришга эришиш реал имкониятини яратаётган бир пайтда содир бўлмоқда.

Вашингтон Покистоннинг авакс системаси самолётларини етказиб бериш тўғрисидаги илтимосини қондириш ҳақидаги сафсаталарини АҚШнинг мазкур райондаги янги жаҳонгирлик муддаоларининг навбатдаги кўриниши, деб баҳолаш мумкин, холос. Шу нарса мутлақо равшан бўлиши керакки, Покистоннинг қўшинларига, шу жумладан Совет Иттифоқига қарши нодўстона ҳаракатлари кучайтиридаётганлиги пайқалмай қолиши мумкин эмас.

БАҒДОД, 7 май. (ТАСС). Ўтган кеча-кундузда Ироқ ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари ва вертолётлари жанговар топшириқ билан 81 марта учиб фронт чизиғи бўйлаб душман коммуникацияларига ва қўшинлари тўпланган районларга зарба бердилар. Фронтнинг марказий участкасида Ироқ бўлинмалари Эроннинг олдинги позицияларига ҳужум қилди.

Эрон—Ироқ жанглари давом этмоқда

Басрадан шарқроқда маҳаллий аҳамиятга молик жанглар бўлди, душманнинг учта ўқ-дори омбори яксон этилди. Эроннинг узоққа отадиган артиллерияси яна Басрани ўққа тутди, вайронагарчиликлар бор.

НИКОСИЯ, 7 май. (ТАСС). ИРНА агентлигининг хабарига кўра, фронтнинг шимолий участкасида командос бўлинмалари Мосул вилоятида Ироқ батальонини тормор келтирдилар. 200 дан кўпроқ отиш қуроли, кўп миқдорда ўқ-дори ўлжа олинди, душманнинг 40 аскари асир тушди. Жанг вақтида ўқ узиб батальонга ёрдам бериб турган вертолёт уриб туширилди. Марказий ва жанубий участкаларда отишмалар бўлиб турди, ўнта артиллерия позицияси яксон этилди. Ормуз бўғозида Эроннинг ҳарбий денгиз кучлари иккита хорижий юк кемасини тўхтатиб қўйиб, кўздан кечирди.

• *Фикр* • *Мулоҳаза* • *Муносабат*

Газетамизнинг 1987 йил 16 январь сонида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги И. Искандаровнинг «Социал-иқтисодий ривожланишнинг регионал муаммолари» мақоласи босилган эди. Муаллиф республикамизда пахтани терим, тозалаш, қуритиш, сақлаш ва пахта саноати корхоналарига юбориш муаммолари хусусидаги масалани кўтариб чиқди. Қишлоқ хўжалиги рентабеллигини ошириш, уни иқтисодий мустаҳкамлаш ва пировард натижа учун масъулиятини ошириш, маҳсулот етиштириш билан қайта ишлаш саноати орасидаги чигалликларни тугатиш замон талаби эканлиги аниқ далиллар билан исбот қилинган.

Мазкур мақола юзасидан газетхонлардан, олим ва мутахассислардан фикр-мулоҳазалар билдирилган мактублар келиб турибди. Шулардан айримларини диққатингизга ҳавола этамиз.

Мақоламизни ўқиб ДОЛЗАРБ МУАММО

ҚАЙТА ҚУРИШ ТАЛАБИ ШУНДАЙ

Мақолада баён этилган фикрларга кўра, пахтани тайёрлаш, сақлаш, қуритиш, тозалаш функцияларини бевосита пахтакор хўжаликларнинг ўзига топшириш, пахтани қайта ишлашни эса аввалгидек пахта тозалаш саноатида қолдириш иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги яққол кўзга ташланиб турибди. Масаланинг бундай ҳал бўлиши юридик жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқ.

Пахтани харид қилиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий қоидаларда пахтакор хўжаликларнинг моддий манфаатларини ҳимоя қилишга деярли эътибор берилмаган. Масалан, пахтани тозалаш, қуритиш, сақлаш пахта тозалаш саноатига тегишли ташкилотларга топширилганлиги туфайли бу ташкилотлар пахтани хўжаликлардан қабул қилишда, пахтанинг сифатини ва сортини белгилашда биринчи галда ўзларининг манфаатларини кўзда тутади. Хўжаликлар сифат ва сорт даражасини аниқлашдан маҳрум. Бу масала қабул пунктидаги лабораторияларда аниқланади. Хўжалик вакиллари ўз фикрларини исботлашга ожизлик қиладилар. Умуман олганда олди-сотди муносабатларида олувчининг хоҳиши доим устун бўлиб келган. Бу умумий тенденция пахтакор хўжаликлар билан пахта тозалаш саноати ташкилотлари ўртасида ҳам юз бермоқда.

Пахтани харид қилишга оид контракция шартномаси бўйича пахтани тозалаш ва қуритиш учун хўжаликлар пахта тозалаш саноати корхоналарига ишчи кучи етказиб бериш шарти қўзда тутилган. Демак, бу корхоналар қабул қилиб олган пахтани ўзлари тозаламайдилар, бунинг учун сиртдан ишчи кучи жалб қиладилар. Шундай экан, бу вазифани ҳам пахтакор хўжаликларнинг ўзлари муваффақиятли ҳал қилишлари мумкин.

Пахтани тайёрлаш, сақлаш, қуритиш ва тозалаш вазифасини хўжаликларнинг ўзида амалга ошириш фақат иқтисодий эмас, балки, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқ. Масаланинг шундай ҳал бўлиши ишлаб чиқаришда хўжалик ҳисоби принципларини қўллаш, хўжаликларнинг мустақиллигини ошириш улар фаолиятига баҳо бериш, ишлаб чиқаришда пировард натижаларга қараб хулосага келиш каби КПСС XXVII съезди илгари сурган талабларга мувофиқ бўлади.

Х. РАҲМОНҚУЛОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор.

МУҲИМ МАСАЛА

Масаланинг муваффақиятли ҳал этилиши, мақолада атрофлича исботланганидек бошқа ижобий натижаларга ҳам олиб келади. Энг аввало, бу хўжаликлар мустақиллигининг кенгайиши билан боғлиқ. КПСС XXVII съездида «бирлашма ва корхоналарнинг мустақиллик доирасини кескин кенгайтириш, энг юксак пировард натижаларга эришиш учун уларнинг масъулиятини ошириш... улар чинакам хўжалик ҳисобига, харажатларнинг ўрнини ўзлари қоплашга ва маблағ сарфлашни ўзлари таъминлашларига ўтказиш, коллективларнинг даромади даражасини бевосита иш самарадорлигига боғлиқ қилиб қўйиш керак»лиги алоҳида қайд қилинган.

Бунда хўжаликлар томонидан етиштириладиган барча маҳсулотлар тегишли истеъмолчи ташкилотларга етказиб берилмагунча ўз жавобгарлигида бўлиши кўзда тутилади. Агар шундай қилинмаса, хўжаликларнинг мустақиллигига путур етган бўлади. Хўжаликларнинг тўла мустақиллиги эса истеъмолчи ташкилотлар билан улар ўртасида воситачи (оралиқ) ташкилотлар бўлмаслигини тақозо қилади. Бу ҳолат пахтакор хўжаликларнинг юқори пахта ҳосили олиш учун курашга, пахтанинг сифатли ва тоза терилишини ташкил этишга, уларнинг хом ашёни пахта тозалаш саноатига топширгунга қадар бўлган барча операцияларни катта масъулият билан бажаришга жавобгарлигини оширади. Чунки, ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари барча хўжалик аъзолари манфаатдорлигига алоқадор, бу эса уларга пахтанинг тўғри сақланишига катта масъулият билан қарашга олиб келади.

Пахтакор хўжаликлар ва пахта тозалаш саноати ўртасида тўғридан-тўғри иқтисодий муносабат ўрнатилиши ҳар иккала томонга олган шартнома мажбуриятлари ўз муддатида мақсадга мувофиқ бажарилиши учун катта масъулият юклайди.

Шу сабабли ҳам пахтани етиштириш, қуритиш, тозалаш ва сақлаш функциясини бевосита пахтакор хўжаликларга топириш қайта қуришнинг етилган масаласи бўлиб, хўжалик механизимини янада такомиллаштиради ва хўжаликларга қўшимча иқтисодий имкониятлар очиб беради.

Х. РАҲМОНҚУЛОВ,
иқтисод фанлари доктори.

ПИРОВАРД НАТИЖА ИЛДИЗИ

Академик И. Искандаров республикамиз экономикасини жадал суръатларда ривожлантиришнинг ҳам назарий, ҳам амалий асосларини кўтариб чиқди.

Асосий йўналишларда Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқаришни 1,8 — 1,9 миллион тоннага етказиш белгилаб берилган. Бу вазифани амалга ошириш учун планлаштиришни такомиллаштириш, пахтачилик ҳар бир звеносининг пировард натижа учун аниқ кураш йўлини белгилаб олиш керак.

Пахтани териш, қуритиш, ташиш ва қайта ишлаш саноатига топириш жараёнидаги чалкашликлар масъулиятсизликни, етиштирилган ҳосилга лоқайдлик билан қараш кайфиятини вужудга келтирмоқда. Ҳосилни етиштирган хўжаликларнинг ўзида тўплаш, тола ва уруғни ажратиб олиш, ундан сўнг саноат корхоналарига жўнатиш хўжаликларнинг маҳсулот сифати, миқдори ва толаси асраб-авайлаб топширилиши борасидаги масъулиятини оширади. «Хлопководство» журналининг 1959 йил 3-сонида пахта тозалаш саноатини хом ашё дастлабки ишлаш жараёнини колхоз ва совхозларга топириш ва давлатга тола ҳамда уруғни алоҳида-алоҳида сотиш базасида тараққий эттириш масаларига бағишланган СССР Госпланининг тадбирлари эълон қилинган эди. Орадан бир неча ўн йиллар ўтишига қарамай, бу муҳим масалага эътиборсизлик билан қаралди. Натижада пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнидаги ноҳушликлар—қўшиб ёзишлар, ўғирликлар, давлатни алдаш ҳоллари содир бўлди.

Пахта толасининг биологик сифати ва пахта ёғининг хусусияти қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида шаклланади. Қайта ишлаш саноати ходимлари учун эса маҳсулотнинг биологик қийматини, саноатга етказгунча бўлган табиий ҳолатини сақлаб қолиш муҳим муаммолардан бири. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши бевосита пахта хом ашёсини сақлайдиган ва унинг табиий ҳолатини таъминлайдиган пахта пунктларини колхоз ва совхозлар ихтиёрига ўтказиш ва пировард натижа — тола ва уруғни қайта ишлаш саноатига топириш билан боғлиқ.

М. ЮЛДОШЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

• *Спорт*

ТИНЧЛИК ПОЙГАСИ

Оқ каптар расми туширилган нишон — бу мусобақанинг рамзидир. Ҳар йили баҳорда Жаҳон тинчлик пойгаси старт олади. Бу йил унинг юбилейн нишонланаётир: кучли велосипедчилар 40-марта ўзаро беллашадилар.

Спортчилар Берлин — Прага — Варшава маршрути бўйича мусобақада 1987 километр масофани босиб ўтишади. Ун икки босқичнинг ҳар бирида унинг ғолиби аниқланади. Польша пойтахти Варшавада 23 май куни пойга якунланади. Кучли команда ва шахсий биринчилик совриндорлари аниқланади.

Кеча Берлинда мусобақага старт берилди 7 километрли масофа пойга қатнашчилари учун дастлабки синов бўлди. Кейинчалик асосий кураш бошланди.

СССР терма командаси жаҳон пойгасида 1954 йилдан бери қатнашиб келаётир. Велосипедчиларимиз шу давр мобайнида 19 марта команда ҳисобида ғолиб чиқишган. Спортчиларимиз шахсий биринчиликда тўққиз марта энг кучли бўлишган.

Харьковлик В. Жданов, куйбишевлик А. Самтов, киевлик В. Пульников, ригалик П. Угрюмов, горькийлик Д. Конишев ва тошкентлик Ж. Абдужабборов бу йилги мусобақада совет спорти шарафини ҳимоя қилишмоқда.

ОЛИМПИАДАЧИЛАР ЗАФАРИ

Европа қитъаси тўртинчи саралаш группасида СССР ва Болгария олимпиадачиларининг учрашуви ўтказилди. Учрашув 1:0 ҳисобида совет футболчилари фойдасига тугади.

Совет олимпиадачилари уч учрашувдан сўнг беш очко билан ўз группасида ягона пешқадам бўлиб туришибди.

ШАХМАТ БУРЧАГИ

ҚУРБОН БЕРИШ — МУҲИМ ВОСИТА

Халқаро арбитр
М. МУҲИДДИНОВ
бошқаради



Бу позиция бундан 40 йил аввал ўйналган А. Константинопольский — Г. Левенфиш партиясида қораларнинг 15-юришидан кейин содир бўлган. c2 пиёдасининг қолоқлиги ва c4 хонасининг заифлиги туфайли оқларнинг аҳволи ёмонроқ. Оқлар рақибини сифат ютишга ундамоқчи бўлади.

16. Лc1 Ch6? Қораларнинг бу юриши оқлар учун айни муддао — улар шунга ишонган эди-да. Бунинг ўрнига 16... Кc4! ўйнаш керак эди, албатта.

17.c4! C:c1 18. Ф:c1 Крg7.

Қоралар мудофаага ўтишга мажбур, чунки 19. Фh6 сўнгра 20. Кg5 таҳликаси туғилган эди. Бироқ энди қора шоҳнинг b2 даги фил диагоналида турғуни хунук, бинобарин, оқларнинг ҳужуми кучайиши муқаррар.

19. Кe5 Кf6. Қоралар, Кe5—g4 ва Фc1—h6+ дан ҳимояланоқда. Лекин энди a1—h8 диагонали бўйича таъйиқ кучаяди.

20. d5 h5 (21. Кq4 га йўл қўймай) 21. Фf4 Крh7 22. К:f6+ef 23. Кd7! Ҳаммаси ҳисоблаб чиқилган: b2 даги фил омон бўлса бас.

21... Ф:d7 22. Ф:f6 Лg8 23. Лe7.

Бунинг ўрнига 25. Лe5 ўйнатса иш янада тезроқ пишарди: 25... К:c4? бўлса, 26. Л:h5+!Лg6 27. Фg7Х. Ёки 25... Крh6 бўлса, 26. Л:h5+! Кр:h5 27. Фh4Х.

Текстдаги юришдан сўнг қоралар фарзин эвазига икки руҳга эга бўлса-да, мағлубиятдан қутула олмайди. Сабаби, қора сипоҳларнинг бир-бирига қовушмаслиги-ю катта диагоналнинг заифлигидир.

25... Ф:e7 26. Ф:e7 Лg7 27. Фf6. Бу вазиятда фил рухдан афзалроқ.

27... Лcg8 28. Cd3 Cc8. Акс ҳолда 29. Фg5 сўнгра 30. Ф:h5.

29. Фg5!5 30. Ce2 Кb7 31. C:h5 Лc7 32. Ce5 Лd7.

Бунинг ўрнига 32... Л:c4? бўлса, 33.C:g6+Л:g6 34. Фh5+Крg8 (34... Лh6 га 35. Ф.f7Х бўлади) 35. Ф:g6+

33. Cf3 Лgg8. Бўлмаса. 34. Фh4 Х.

34. d6! Қоралар таслим бўлди, чунки энди Cf3—d5 таҳликасидан ҳимоланишнинг иложи йўқ. Чунончи, 34...К:d6 бўлса, 35. Фh4+ Крg8 36. Cd5+Кf7 37. Фf6 ва ҳокозо.

Бунда, кураш жараёнини биров кўрсатганда жуда осондек туюлади. Аслида эса анча мураккаб нарса. Мустақил ҳаракат қила олиш учун тажриба зарур. Бизнинг вазифамиз —умумий йўл-йўриқлар кўрсатиб, сиз мухлисларни «тор кўча»лардан айлантириш, одатлантириш.

БУНИСИ — ВАЗИФА



Оқлар сифат қурбон қилиб шу вазиятга эришган эди. Бунинг оқибатларини олдиндан ҳисоблаб чиқиш, уларга дурангга эришиш имкониятини берган.

Юриш оқлардан, албатта. Хўш, дуранг қила оласизми?!

ТВ — ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА — ТВ

11 май, душанба

МТ.I 8.00 —Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Футбол шарҳи. 9.55 — «Парижда тинчлик мавсуми». Бадиий фильм. 11.30 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.40 — Рус тили. 17.10 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 17.40 — Ҳужжатли фильм. 18.35 — Футбол шарҳи. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильм. 19.40 —СССРда ихтиро қилинган. 20.15 — «Чорбоғчилар». Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-спектаклнинг давоми. 23.40 — Тинчлик велопойгаси. 24.00 — Дунё воқеалари. 00.15 — Қадимий қўйлардан концерт.

МТ.II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Тарих. 10.05—Итальян тили. 11.05 — В. Шукшин. Прозаси саҳифаларида. 12.20 — Фан ва турмуш. 12.50 — «Май ойи эди». Бадиий фильм. 15.10 — Янгиликлар. 15.15 —Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 16.15 — От спорти. Бутунитти-фоқ мусобақалари. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Шахмат. 3 терма команда матчи. 19.15 — Хушёрлик — ҳаёт нормаси. 19.30 — Шахмат. 3 терма команда матчи. 19.45 — Халқаро панорама. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Музикали киоск. 21.15 — Шахмат. 3 терма команда матчи. 21.30— Время. 22.05—Шахмат. 3 терма команда матчи. 22.20 — «Дог». Бадиий фильм. 24.00 —Футбол. «Динамо» — МАСК. 00.45 — Янгиликлар.

УзТВ.I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Салом, кичкинтойлар! 7.40 — Ахборот. 16.35 — Табиатшунослик. 17.05 —Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Илмий-оммабоп программа. 18.15 — Кувноқ шаҳарча. 18.55— Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Балет ҳақида. 20.30 —Ахборот. 20.50 — Едгорлик. 21.30 — Время. 22.05 — «Муҳаббатим —қайгум менинг». Бадиий фильм.

УзТВ.II. 19.30 — Ешлик. 20.00 — Стартда фақат қизлар. 20.40 — Киножурнал. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. **ДУШАНБА.** 22.05 — «Ранда». Танқидий тележурнал. 22.45 — Телефильм.

●

12 май, сешанба

МТ.I 8.00 —Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 —Время. 9.15 — М. Чайковская чалади. 9.35 — «Йўл чеккасидаги йигитлар». Бадиий фильм. 1-серия. 10.35 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 11.05 —Багирда байрам. 11.30 ва 16.30 Янгиликлар. 16.45 — Ҳужжатли фильмлар. 17.30 —Қувноқ стартлар. 18.15 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Горностаева чалади. 18.45— Замонавийлик ва адабиёт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Йўл чеккасидаги йигитлар». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 —Время. 22.05 — СССР—АҚШ журналистлари телекўприги. 23.10 — Илмий-оммабоп фильм. 23.30 — Дунё воқеалари. 23.45 —Степан Шакарянниг джаз композициялари. 00.05 —Тинчлик велопойгаси.

МТ.II. 9.00 —Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 —Табиатшунослик. 9.55 —Илмий-оммабоп фильм. 10.10 — Француз тили. 11.00 —С. Гудзенко поэзияси. 11.35 —Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари 12.05 —Рус тили. 13.10 — «Дог». Бадиий фильм. 15.15 — Янгиликлар. 15.20 — Эстетик тарбия. 18.30 —Янгиликлар. 18.45 —...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.30 —Хушёрлик —ҳаёт нормаси. 19.45— Ритмик гимнастика. 20.15 — Халқ куйлари. 20.30 —Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.50 — Футбол шарҳи. 21.30 — Время. 22.05 — КВН—87. 24.00 —Янгиликлар.

УзТВ.I 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Салом, кичкинтойлар! 7.40 — Ахборот. 16.35 —Ўзбек мактабларида рус адабиёти. 17.05 — Телефильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.15 —Ешлик. 18.45 — Интенсивлаш беш йиллик шиори. 19.10 — Сайловлар олдидан. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Ижод саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ёш ижрочилар концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Пилла—бойлигимиз. 22.25 — Совет Ўзбекистони композиторлари.

УзТВ-II. 19.30 — Совет Иттифоқи бўйлаб. 20.20 — «Браслет-2». Бадиий фильм. 21.30 — Время. **ФРУНЗЕ.** 22.05 — «Гаровга олинган». Бадиий фильм.

●

13 май, чоршанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — А. Васильевнинг хор асарлари. 9.40 — «Йўл чеккасидаги йигитлар». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия. 11.40 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Ҳужжатли фильмлар. 17.30 — Дастхат. 18.45 — Фан ва турмуш. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Дунё ва ёшлар. 20.05 — Илмий-оммабоп фильм. 20.15 — Совет қўшиқларидан концерт. 20.30 — «Йўл чеккасидаги йигитлар». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Прага баҳори — 87. 23.45 — Дунё воқеалари. 24.00 — Тинчлик велопойгаси.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Тасвирий санъат. 10.20 — Немис тили. 10.50 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Умумий биология. 12.05 — Шахмат мактаби. 13.05 — «Йиллар оша». Бадиий фильм. 14.35 — Янгиликлар. 15.10 — Қишлоқ янгиликлари. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 19.45 — Хушёрлик — ҳаёт нормаси. 20.00 — Онамларнинг мактаби. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Агар соғлом бўлай десанг! 21.00 — Улдис Мартинсоннинг ёзи. 21.30 — Время. 22.05 — Куз оқшомларининг бирида. 23.35 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Салом, кичкинтойлар! 7.40 — Телефильм. 8.00 — Ахборот. 8.20 — Рақслар гулдастаси. 16.35 — Физика. 17.05 — Фильм-концерт. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Адабиёт. 18.15 — Мультфильмлар. 18.45 — Дин ва замонавийлик. 2-кўрсатув. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон ўқитувчилари съездига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Сайловлар олдидан. 21.30 — Время. 22.05 — Ягона сиёсий кун. 22.35 —Ўзбекистон ўқитувчилари съездига. 23.25 —Ўқитувчилар учун концерт.

УзТВ-II. 19.30 — Пионер телетайпи. 19.40 — «Зося». Бадиий фильм. 20.50 — Реклама. 21.00 — Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши. 21.30 — Время. **ФРУНЗЕ.** 22.05 — «Бўри уяси». Бадиий фильм, 2-серия.

●

14 май, пайшанба

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Заводимиз клубида. 9.40 —«Йўл чеккасидаги йигитлар. Бадиий фильм. 2-, 3-серия. 11.40 — Янгиликлар. 16.30 — Ҳужжатли фильм. 17.15 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.05 — Инсон омили. Активлаштириш йўллари. 18.45 — Сиз яратган бог. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Концерт. 20.30 — «Йўл чеккасидаги йигитлар». Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Олам кинокамера кўзгусида. 23.05 —Дунё воқеалари. 23.20 — «Менинг оғам Маугли». Музикали фильм. 00.25 — Тинчлик велопойгаси.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Умумий биология. 10.05 — Испан тили. 11.05 — Совет тасвирий санъати. 11.35 — Зоология. 12.00 — Д. Кугультинов поэзияси. 12.30 — Илмий-оммабоп фильм. 13.05 — «Куз оқшомларининг бирида». Бадиий фильм. 15.05 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ритмик гимнастика. 19.20 — «Фақат сен». Бадиий фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳушёрлик — ҳаёт нормаси. 21.05 — Мотобол. СССР чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол. СССР кубоги 1/4 финал. «Динамо» (Мн) — «Торпедо» (М). Танаффусда — илмий-оммабоп фильм. 23.45 — Янгиликлар.

УзТВ—I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Салом, кичкинтойлар! 7.40 — Ўринбосарлар улгаймоқда. 8.00 — Ахборот. 8.20 — Қардошлик тароналари. 16.35 — Ҳайвонот дунёсининг аҳамияти. 17.05 — Абитуриент—87. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — ЎзССР тарихи. 18.15 — Қувноқлар даврасида. 18.45 — Мультфильмлар. 19.10 — Партия турмуши. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Бир асар тарихи. 20.30 —Ахборот. 20.50 — СССР халқ ўқитувчиси Одилжон Акбаров билан учрашув. 21.30 — Время. 22.05 — Ахборот танқид қилган эди... 22.25 — «Юрмала—87». 23.35 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.30 — Телефильм. 19.55 — Дала, ҳовли юмушлари. 20.30 — Ритмик гимнастика. 20.50 — «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллиги. 21.30 — Время. **ДУШАНБА.** 22.05 — «Бир карра бир». Бадиий фильмлар.

●

16 май, шанба

МТ.I. 8.00 —Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — «Йўл чеккасидаги йигитлар». Бадиий фильм. 4-серия. 10.15 — Нега ва нима учун? 10.45 —Ҳаракат хавфсизлиги учун. 11.15 — Халқаро музейлар куни. 11.50 — Қайта қуриш ва замонавий театр муаммолари. 12.50 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 13.35 — Фильм-концерт. 13.45 — Дунё воқеалари. 14.00 —Хушёрлик —ҳаёт нормаси. 15.00 — Ҳамдўстлик. 15.30 — Ернинг ўша бурчаги... 16.25 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 17.25 —Кино афиша. 18.10 — Бизнинг уй. 18.30 — Мультфильм. Ҳужжатли фильм. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — Тинчлик велопойгаси. 23.50 — ВЛКСМ XX съезди делегатлари ва меҳмонлари учун сув спорти бадиий байрами.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Музика. 10.00 — Онамларнинг мактаби 10.30 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — Илмий-оммабоп фильм. 11.35 — Тарих. 12.00 — Инглиз тили. 13.00 — «Фақат сен». Бадиий фильм. 14.40 — Табиатшунослик. 15.00 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Муаммолар — изланишлар —ечимлар. 19.30 — Бир-биримизга нечун керакмиз? 20.00 — Ҳамдўстлик. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Илмий-оммабоп фильм. 20.55 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 21.30 — Время. 22.05 — «Қримда иккинчи марта». Бадиий фильм. 23.30 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Салом, кичкинтойлар! 7.40 — Ўринбосарлар улгаймоқда. 8.00 — Ахборот. 8.20 — Қардошлик тароналари. 16.35 — Ҳайвонот дунёсининг аҳамияти. 17.05 — Абитуриент—87. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — ЎзССР тарихи. 18.15 — Қувноқлар даврасида. 18.45 — Мультфильмлар. 19.10 — Партия турмуши. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Бир асар тарихи. 20.30 —Ахборот. 20.50 — СССР халқ ўқитувчиси Одилжон Акбаров билан учрашув. 21.30 — Время. 22.05 — Ахборот танқид қилган эди... 22.25 — «Юрмала—87». 23.35 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.30 — Телефильм. 19.55 — Дала, ҳовли юмушлари. 20.30 — Ритмик гимнастика. 20.50 — «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллиги. 21.30 — Время. **ДУШАНБА.** 22.05 — «Бир карра бир». Бадиий фильмлар.

●

17 май, якшанба

МТ.I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.10 — Ритмик гимнастика. 9.55 — Спортлото. 10.10 —Будильник. 10.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.40 —Тонгги почта. 12.10 — Саёҳатчилар клуби. 13.10 — Музикали киоск. 13.40 — Қишлоқ янгиликлари. 14.40— Здоровье. 15.25 —Эртак хузурида меҳмонда. 16.50 —Давлат марказий концерт залида Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшларининг концерти. 18.35 — Халқаро панорама. 19.20 — «Изқувар». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 —СССР Олий ва ўрта махсус таълим министри Г. А. Ягодин билан учрашув. 23.35 — Совет қўшиқларидан концерт. 00.05 — Янгиликлар. 00.10 — Тинчлик велопойгаси.

МТ-II. 9.00 — Зарядкага саф!ланинг! 9.15 — Чашмалар. 9.45 — Советский спорт. 9.55 — П. И. Чайковский музикалари куни. 10.40 — Волгоград телевидение студиясининг программаси. 11.40 — П. И. Чайковскийнинг балет театри. 12.50 — Рус тили. 13.20 — П. И. Чайковский. Симфоник оркестр ижроси учун 3-сюита. 14.05 — Дунё ва ёшлар. 14.40 —П. И. Чайковский операларида Пушкин асарларининг қаҳрамонлари. 15.50 — Совет маданият фонди. 16.50 — П. И. Чайковский. «Манфред» симфонияси. 17.55 — Баскетбол. СССР—ХХР. 18.35 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — С. Я. Лемешев ижросида П. И. Чайковский романслари. 20.00— Стендга отиш. Жаҳон кубоги. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Оқшом чироқлари. 21.30 — Время. 22.05 — Чет эл фильмлари экрани. 23.35 — Баскетбол. СССР—«Марафон» (АҚШ). 00.15 — Янгиликлар.

УзТВ.I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Май мозаикаси. 8.00 — Ахборот. 8.20 — Ҳужжатли фильм. 8.30 —Время. 9.10 — Биргаликда куйлаймиз. 9.35 — Истеъдод. 9.55 — Шахмат мактаби. 10.25 — Қувноқ камалак. 11.25 — Реклама. 11.45 — Светофор. 12.45 — Ёш олимлар телеклуби. 13.15 —Футбол ўйнашни ўрганинг. 13.45 — Киев—Тошкент телекўприги (такрорий). 15.10 — Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги.га бағишланган республика областлари ва ҚҚАССР театрларининг телефестивали. 16.50 —Давлат марказий концерт залида Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти. 18.40 — Гўзаллик оламига саёҳат. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Нафосат. 20.30— Ахборот. 20.50 — Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Инсон ва қонун. 23.05 — Телефильм.

УзТВ-II. ДУШАНБА. 18.10 — Телевизион почтадан. 18.50 — Цирк. 19.30 — Новости. 19.45 Касб чашмалари. 20.30 — Ахбор. 20.45 — Теленовелла. 21.30 — Время. 22.05 —«Афсонага айланган ҳаёт». Бадиий фильм. 2-серия.

УзТВ.II. ДУШАНБА. 18.05 — Болалар планетаси —дўстларимиз планетаси. 18.35 —Реклама. 18.45 — Телефильмлар. 19.30 — Новости. 19.50 —Шеърият кечаси. 20.30 — Ахбор. 20.50 — Байрам концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Байрам концертининг давоми. 22.50 — Шу куннинг янгиликлари. 23.00 —«Афсонага айланган ҳаёт». Бадиий фильм. 1-серия.

●

Телевидение

БУГУН

МТ-I. 8.00 —Зарядка Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.50 — «Дийдорлашув даври». Бадиий фильм. 10.55 — Ҳужжатли фильм. 11.30 — Бугун — Галаба байрами. 11.45 — Ветераннар, Сизлар учун. 12.30— «Аккордеонли киши». Бадиий фильм. 14.00 — Ғолиблар. 15.30 — Мультфильмлар. 16.10 — — Ҳайвонот оламида. 17.40 — Ҳамдўстлик. 18.20 — «Солдат ҳақида қисса». Бадиий фильм. 19.50 — Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. 20.15 — Галаба байрамига бағишланган музикали кўрсатув. 21.30 — Время. 22.05 — «Май ойи эди». Бадиий фильм. 23.55 — Тинчлик велопойгаси. 00.15 — Янгиликлар.

МТ.II 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Тонгги почта. 9.45 — Ритмик гимнастика. 10.15 — Шахмат. 3-терма команда матчи. 10.35 — Фақат галабага чин дилдан ишониб. 11.25 — Болалар учун фильм. 12.30 — Мультфильмлар. 13.00 — Ҳужжатли фильм. 13.50 —Мангу барҳаётлар. Фильм-концерт. 14.10 — Спорт ва шахс. 14.40 — «Шаҳар узра қушлар». Бадиий фильм. 15.55 — Солдат қўшиқлари фестивали. 18.25 — — Ҳужжатли фильм. 19.25 — Унутилмас музикали кечалар. 19.50 — Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.30 —Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Шахмат. 3-терма команда матчи. 21.15 — Киноқўрсатув. 21.30 — Время. 22.05 — К. Симонов. «Лопатининг ён дафтаридан». Фильм-спектакль. 00.05 — А. Глазунов. Лирик поэма. 00.15 — Городки спорти. 00.50 — Янгиликлар.

УзТВ.I 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Ғалаба йўли. 8.00 — Ахборот. 8.20 — Телефильм. 8.30 — Время. 9.15 — Солдат оҳанглари. 10.25 — «Байрам кунида». Бадиий фильм. 11.50 — Спорт шарҳи. 12.50 — Телефильм. 13.15 — Н. Тўлоқов. Адабий театр. 13.45 — Кинередакция почтасидан. 18.15 — Концерт. 18.55 — Бизнинг Буюк ғалабамиз. 19.15 — Хотира. 19.30 — Ахборот. 19.50 —Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 42 йиллигига бағишланган бадиий-спорт байрами. 21.30 — Время. 22.05 — Ғалаба баҳори.

УзТВ.II. ФРУНЗЕ. 17.25 — Мультфильм. 17.35 — Мактаб ўқувчиларининг ветераннар билан учрашуви. 18.20 — Теҳрон—Ялта—Потсдам. 18.50 — Мекеним — тинчлик бешиги. 19.30 — Мезгил. 19.50— Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. 20.10 — Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди. 20.35 — Телефильм. 20.40 — Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди. 21.30 — Время. 22.05 — Музикали кинокомпозиция. 22.50 — «Қарши зарба». Бадиий фильм

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

Р. — 08727. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. В. — 106. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12